ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Ал-Хоразмий номидаги Урганч Давлат университети

«Иқтисодиёт» кафедраси

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ
ИШИ

Мавзу: **“Хоразм вилояти иқтисодиётини модернизациялаш шароитида чорвачиликни ривожлантириш масалалари (Хазарасп тумани мисолида)”**

Ҳимояга қўйилди:
«Иқтисодиёт» кафедраси мудири
проф. Рўзметов Б._____
_____сонли баённомаси
«____»_____» 2012 йил
Иктисод факультети декани
И.ф.д. проф. Салаев С.К. _____

Бажарди: Яхшибаев Улугбек
Илмий рахбар: доц. Садуллаев А.С.

Урганч – 2012 йил

Урганч Давлат Университети
«Иқтисодиёт» кафедраси

«___»_____2012 й. Урганч ш.

Битирув малакавий иши дастлабки химояси бўйича комиссия аъзолари мажлиси _____сонли

Б А Ё Н Н О М А С И

КОМИССИЯ АЪЗОЛАРИ:

1._____
2._____
3._____

«ТАСДИКЛАЙМАН»

Кафедра мудири
проф. Рўзметов Б.
«___»_____2012 й

КУН ТАРТИБИ

Эшитилди:_____
_____
_____
_____

Карор килинди:_____
_____
_____
_____
_____

Имзолар:

1._____ 2._____ 3._____

Урганч –2012 йил

УрДУ иқтисод факультети кундузги бўлим 4-курс «Иқтисод» гуруҳи талабаси Яхшибоев Улугбек «Хоразм вилояти иқтисодиётини модернизация-лаш шароитида чорвачиликни ривожлантириш масалалари (Хазарасп тумани мисолида)» мавзусидаги битирув малакавий ишига

Т А В С И Я Н О М А

Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида чорвачилик асосий тармоқлардан бири бўлиб, унинг ялпи ички маҳсулотдаги салмоғи 50 фоиздан ортиқни ташкил этади. Бозор иқтисодиёти даврида чорвачиликни жадал ривожлантиришни имкониятлари, авваламбор чорвачиликни хусусийлаштириш ва ихтисослашган ўрта ва кичик фермаларни кучайтириш, ширкат, фермер ва аҳолининг шахсий хўжаликларида илгор тажриба, янги технологиялар ва фан ютуқларидан оқилона фойдаланишга қаратилиши лозим. Бунда хўжалик юритишнинг янги усуллари ва самарали ишлаб чиқариш тизимларини ишга солиш бозор иқтисодиёти учун айни муддаодир.

Чорвачиликнинг истиқболдаги ривожланиши ҳукуматнинг қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга қаратилган стратегиясини амалга ошириш борасидаги ишларида ўз аксини топган. Бу дастур фермер хўжаликларини ташкил этиш, чорвачиликни хусусийлаштириш, мулкчилик шаклларини ва тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш жараёнида рақобатчилик муҳитини яратишга ва рақобатни кучайтиришга қаратилган.

Яхшибоев Улугбекнинг малакавий битирув иши мана шундай долзарб муаммога бағишланган бўлиб, унда Хоразм вилоятида, хусусан Хазарасп туманида иктисодиётни модернизациялаш шароитида чорвачиликни ривожлантириш бўйича амлага оширилаётган ишлар тахлил қилинган ва кенг статистик маълумотлар асосида ёритиб берилган.

Ушбу битирув малакавий иши кириш, икки боб, олти параграф, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, унда кўплаб статистик материаллар асосида бир қанча жадваллар, диаграммалар келтирилган.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, мен ушбу битирув малакавий ишини ДАК олдида ҳимоя қилишга лойиқ ва юқори баҳо қўйиш мумкин деб ҳисоблайман.

Илмий раҳбар:
«Туризм» кафедраси мудири **доц. Садулаев А.С.**

УрДУ иқтисод факультети кундузги бўлим 4-курс «Иқтисод» гуруҳи талабаси Яхшибоев Улугбек «Хоразм вилояти иқтисодиётини модернизация-лаш шароитида чорвачиликни ривожлантириш масалалари (Хазарасп тумани мисолида)» мавзусидаги битирув малакавий ишига

Т А Қ Р И З

Республикамиз аграр тармоғида амалга оширилаётган туб иқтисодий ислоҳотлар ва таркибий ўзгаришлар натижасида қишлоқ хўжалигининг асосий иқтисодий кўрсаткичлари барқарор ўсиб бормоқда. Ўтган 2000-2010 йиллар оралиғида қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти қиймати амалдаги нархларда ўсиб бориш суръатига эга бўлган.

Чорвачилик тизими мамлакатдаги ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиш даражасига мос келадиган чорва моллари сонини ўстириш ва сифат кўрсаткичларини яхшилаш, маҳсулдорлигини мунтазам ошириб бориш ҳамда маҳсулот бирлигига сарфланадиган меҳнат ва маблағ харажатларини тежаш имкониятларини яратиб берадиган чорвачилик воситаларидан максимал фойдаланиш орқали уни энг самарали тармоққа айлантиришни таъминлайдиган, иқтисодий, ташкилий, технологик ва техникавий тадбирий чораларни ўз ичига олади.

Чорвачиликнинг у ёки бу тармоғини мамлакатнинг айрим туманлари ва ҳудудларида жойлаштириш тасодифий бўлмай, балки аниқ табиий иқтисодий шарт-шароитлар, ахоли ва бозор эҳтиёжлари ҳамда маҳсулот ишлаб чиқариш самарадорлиги билан белгиланади

Яхшибоев Улугбекнинг малакавий битирув иши мана шундай долзарб муаммога бағишланган бўлиб, унда мамлакатимизнинг аграр секторида мустакилик йилларида олиб борилган таркибий ўзгаришлар тахлил қилинган ва кенг статистик маълумотлар асосида ёритиб берилган.

Яхшибоев Улугбек ушбу битирув малакавий ишини бажаришда ўзини мехнатсевар, тиришқоқ, ҳар томонлама дунёқараши кенг тадқиқотчи сифатида кўрсатди.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, мен ушбу малакавий битирув иши олий ўқув юрти талаблари даражасида бажарилган ва ДАК олдида ҳимоя қилишга ва юқори баҳога лойиқ деб ҳисоблайман.

Тақризчи:
“Касб таълими” кафедраси мудири и.ф.н. Жобборов У.Р.

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ИҚТИСОДИЁТИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА ЧОРВАЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ (Хазарасп тумани мисолида)

КИРИШ

1-БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА ЧОРВАЧИЛИКНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Иқтисодиётни модернизациялаш ва таркибий қайта қуриш шароитида чорвачиликни ташкил этишнинг долзарб масалалари

1.2. Чорвачилик тизимини ривожлантиришнинг назарий асослари

1.3. Чорвачиликда подани такрор ишлаб чиқаришни ташкил этиш

2-БОБ. ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА ХОРАЗМ ВИЛОЯТИДА ЧОРВАЧИЛИК СОҲАСИ РИВОЖЛАНИШИНИНГ ТАҲЛИЛИ

2.1. Хоразм вилояти чорвачилик тармоғида амалга оширилган ислоҳотлар таҳлили

2.2. Вилоят чорвачилик тармоғини ривожлантириш дастурлари таҳлили.

2.3. Хазарасп туманида чорвачилик соҳасини ривожлантириш дастурларининиг амалга оширилиши ҳолати

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Мустақиллик йилларида Президентимизнинг ташаббуслари ва бевосита раҳномолигида қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш бўйича жуда катта ва арзигулик ишлар амалга оширилди. Ишлаб чиқаришга фан-техника ютуқларини, янги техникаларни ва илғор технологияларни жорий этиш ишлари йилдан-йилга жадаллашиб бормоқда. Чекланган ер ва сув ресурсларидан, капиталдан ва меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги юксалмоқда. Қишлоқ хўжалигида босқичма-босқич олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотлар ва таркибий ўзгаришлар ўз натижасини бермоқда.

Қишлоқ хўжалиги – Ўзбекистон иқтисодиётининг муҳим тармоғи ҳисобланади. Бу тармоқ мамлакат аҳолисининг озиқ-овқат маҳсулотларига, қайта ишлаш саноати тармоқларини эса хомашёга бўлган талабини қондиради. Озиқ-овқат маҳсулотларининг 90 фоизига яқини аграр сектор тармоқларида тайёрланади. Қишлоқ хўжалиги истеъмол бозорига барча турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда пахтани кайта ишлаш, ёғ-мой саноатига хомашё етказиб бериши билан бирга, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, кимё саноати ва бошқа саноат тармоқлари маҳсулотлари учун кафолатли бозор бўлиб ҳам ҳисобланади.

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз озиқ-овқат хавфсизлигининг асосий таянчи бўлган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, экин майдонлари таркибини оптималлаштириш, маҳсулот ишлаб чиқаришга янги ва илғор технологияларни жорий этиш, юқори унумли ва самарали техникалар паркини кенгайтириш, экин навлари ва чорва моллари зотини яхшилаш, уруғчилик-селекция ишларини тубдан яхшилаш борасида кенг қамровли, шу билан бирга пухта ўйланган ишлар амалга оширилди.

Чорвачилик тизими мамлакатдаги ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиш даражасига мос келадиган чорва моллари сонини ўстириш ва сифат кўрсаткичларини яхшилаш, маҳсулдорлигини мунтазам ошириб бориш ҳамда маҳсулот бирлигига сарфланадиган меҳнат ва маблағ харажатларини тежаш имкониятларини яратиб берадиган чорвачилик воситаларидан максимал фойдаланиш орқали уни энг самарали тармоққа айлантиришни таъминлайдиган, иқтисодий, ташкилий, технологик ва техникавий тадбирий чоралар йиғиндиси тушунилади.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида чорвачилик асосий тармоқлардан бири бўлиб, унинг ялпи ички маҳсулотдаги салмоғи 50 фоиздан ортиқни ташкил этади. Бозор иқтисодиёти даврида чорвачиликни жадал ривожлантиришни имкониятлари, авваламбор чорвачиликни хусусийлаштириш ва ихтисослашган ўрта ва кичик фермаларни кучайтириш, ширкат, фермер ва аҳолининг шахсий хўжаликларида илгор тажриба, янги технологиялар ва фан ютуқларидан оқилона фойдаланишга қаратилиши лозим. Бунда хўжалик юритишнинг янги усуллари ва самарали ишлаб чиқариш тизимларини ишга солиш бозор иқтисодиёти учун айни муддаодир.

Чорвачиликни ривожлантиришда ширкат ва хусусий деҳқон хўжаликларининг фермаларини қайта шакллантириш ва барқарор тараққий эттириш билан нодавлат чорвачиликни жадаллаштириш ва ихтисослаштириш асосий омиллардан ҳисобланади.

Чорвачиликнинг истиқболдаги ривожланиши ҳукуматнинг қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга қаратилган стратегияси - «1998 - 2000 йилларда қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш Дастури»ни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида ўз аксини топган. Бу дастур фермер хўжаликларини ташкил этиш, чорвачиликни хусусийлаштириш, мулкчилик шаклларини ва тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш жараёнида рақобатчилик муҳитини яратишга ва рақобатни кучайтиришга қаратилган.

Хозирги кунда чорвачиликни жадал ривожлантириш асосида, унинг самарадорлигини оширишнинг барча ташкилий, иқтисодий ва конуний ҳужжатлари, меъёрий асослари яратилган. Бу соҳа, асосан 5,6 минг чорвачилик фермер хўжаликларида ва 3,7 млн. шахсий томорқа хўжаликларида ривожлантирилиб мавжуд корамолларнинг 66,1 фоизи, шу жумладан сигирларнинг 90,0 фоизи, бундан ташқари, қўй ва эчкиларнинг 76,4 фоизи ва паррандаларнинг 58,7 фоизи деҳқон хўжаликлари ихтиёрида бўлиб, чорвачиликни хусусий мулкка айлантирилишига иқтисодий асос яратилмоқда. Таъкидлаш керакки мамлакатимизда ишлаб чиқариладиган гўштнинг 91,1 фоизи, сутнинг 93.6 фоизи ва тухумнинг 63 фоизи умуман олганда, қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 60-63 фоизи хусусий томорқа хўжаликларида етиштирилмоқда.

Чорвачиликнинг у ёки бу тармоғини мамлакатнинг айрим туманлари ва ҳудудларида жойлаштириш тасодифий бўлмай, балки аниқ табиий иқтисодий шарт-шароитлар, ахоли ва бозор эҳтиёжлари ҳамда маҳсулот ишлаб чиқариш самарадорлиги билан белгиланади Мамлакатнинг турли туманлари ва ҳудудларидаги табиий-иқтисодий хусусиятлар, ем-хашак етиштириш ва ундан фойдаланиш шароитлари ҳисобга олинган ҳолда чорвачиликни юритишнинг турли ҳудудий ва аниқ маҳаллий тизимлари юзага келади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Иқтисодиёт тармоқларини барқарор ривожлантиришнинг назарий ва услубий асослари М.Баккет, М.Кемпбелл, С.Брю, А.Г.Михеев, Й.Свинен, Ч.Макурс, С.Б.Ошивен, С.О.Сиптица, О.С.Пчелинцев каби хорижий олимлар томонидан таҳлил қилинган.

Ўзбекистонлик олимлар томонидан агросаноат мажмуасини барқарор ривожлантириш ва уни давлат томонидан тартибга солиш механизмини такомиллаштириш масалалари А.Жўраев, Ф.Назарова, У.Нигмаджанов, А.Қодиров, У.Умурзоқов, Ч.Муродов, Р.Ҳусанов, И.Хушматов, К.Чориев, Т.Фармоновлар томонидан ўрганилган

Битирув малакавий ишининг мақсади. Иқтисодиётни модернизациялаш ва таркибий қайта қуриш шароитида Хоразм вилояти

қишлоқ хўжалиги чорвачилик тармоғида амалга оширилаётган ислоҳотлар дастурини таҳлил қилиб бериш ҳисобланади.

Битирув малакавий ишининг вазифалари. Хоразм вилояти қишлоқ хўжалиги чорвачилик тармоғида амалга оширилаётган ислоҳотлар дастурини таҳлил қилиб бериш мақсадида битирув малакавий иши олдига қуйидаги вазифалар қўйилди:

- Иқтисодиётни модернизациялаш ва таркибий қайта қуриш шароитида чорвачилик-ни ташкил этишнинг долзарб масалалари аниқланади;
- Чорвачилик тизимини ривожлантиришнинг назарий асослари ёритиб берилади;
- Чорвачиликда подани такрор ишлаб чиқаришни ташкил этиш масалалари ўрганилади
- Хоразм вилояти чорвачилик тармоғида амалга оширилган ислоҳотлар таҳлил қилинади;
- Вилоят чорвачилик тармоғини ривожлантириш дастурлари таҳлили амалга оширилади;
- Хазарасп туманида чорвачиликда соҳасини ривожлантириш дастурларининиг амалга оширилиши ҳолати ёритиб берилади.

Битирув малакавий ишининг амалий аҳамияти. Битирув малакавий ишининг натижаларидан, унда кўрсатилган таклиф ва тавсиялардан Хоразм вилоятининг ва унинг Хазарасп тумани ижтимоий-иқтисодий ривожланиши дастурларини ишлаб чиқишда, вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси фаолиятида, шунингдек, университетнинг “Бизнесни бошқариш (қишлоқ ва сув хўжалигида)” мутахассислигида ўқиётган магистрантлар, “Макроиқтисод” йўналишида ўқиётган бакалаврлар ўз таълим жараёни даврида фойдаланишлари мумкин.

1-БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА ЧОРВАЧИЛИКНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Иқтисодиётни модернизациялаш ва таркибий қайта қуриш шароитида чорвачиликни ташкил этишнинг долзарб масалалари

Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида чорвачилик асосий тармоқлардан бири бўлиб, унинг ялпи ички маҳсулотдаги салмоғи 50 фоиздан ортиқни ташкил этади. Бозор иқтисодиёти даврида чорвачиликни жадал ривожлантиришни имкониятлари, авваламбор чорвачиликни хусусийлаштириш ва ихтисослашган ўрта ва кичик фермаларни кучайтириш, ширкат, фермер ва аҳолининг шахсий хўжаликларида илгор тажриба, янги технологиялар ва фан ютуқларидан оқилона фойдаланишга қаратилиши лозим. Бунда хўжалик юритишнинг янги усуллари ва самарали ишлаб чиқариш тизимларини ишга солиш бозор иқтисодиёти учун айни муддаодир.

Чорвачиликни ривожлантиришда ширкат ва хусусий деҳқон хўжаликларининг фермаларини қайта шакллантириш ва барқарор тараққий эттириш билан нодавлат чорвачиликни жадаллаштириш ва ихтисослаштириш асосий омиллардан ҳисобланади.

Чорвачиликнинг истиқболдаги ривожланиши ҳукуматнинг қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга қаратилган стратегияси - «1998 - 2000 йилларда қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш Дастури»ни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида ўз аксини топган. Бу дастур фермер хўжаликларини ташкил этиш, чорвачиликни хусусийлаштириш, мулкчилик шаклларини ва тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш жараёнида рақобатчилик муҳитини яратишга ва рақобатни кучайтиришга қаратилган.

Хозирги кунда чорвачиликни жадал ривожлантириш асосида, унинг самарадорлигини оширишнинг барча ташкилий, иқтисодий ва конуний ҳужжатлари, меъёрий асослари яратилган. Бу соҳа, асосан 5,6 минг чорвачилик фермер хўжаликларида ва 3,7 млн. шахсий томорқа хўжаликларида ривожлантирилиб мавжуд корамолларнинг 66,1 фоизи, шу жумладан сигирларнинг 90,0 фоизи, бундан ташқари, қўй ва эчкиларнинг 76,4 фоизи ва паррандаларнинг 58,7 фоизи деҳқон хўжаликлари ихтиёрида бўлиб, чорвачиликни хусусий мулкка айлантирилишига иқтисодий асос яратилмоқда. Таъкидлаш керакки мамлакатимизда ишлаб чиқариладиган гўштнинг 91,1 фоизи, сутнинг 93.6 фоизи ва тухумнинг 63 фоизи умуман олганда, қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 60-63 фоизи хусусий томорқа хўжаликларида етиштирилмоқда.

Фан ва амалиёт ходимларининг фикрича чорвачиликнинг ривожланиш даражаси ва хусусан моллар маҳсулдорлиги 60-65 % ем-хашак таъминотига ва 20-25 % наслчилик ишларига боғлиқдир. Шунинг учун ҳам чорва молларининг озиқа базаси ва зотини яхшиламасдан, чорвачиликдаги технологияни такомиллаштириб янгиламасдан, юкори унумли машина ва

жиҳозларни, меҳнатини ташкил этиш ва моддий манфаатдорликни илғор усулларини ишлаб чиқаришга жорий этмасдан тармоқни жадал ривожлантириш мумкин эмас. Ҳамма нарса моддий ва меҳнат ресурсларининг қандай даражада мавжудлигига, муайян ривожланиш йўналишларига, улар ўртасидаги мувозанатга мос келишига боглиқ. Чорва молларининг зотини ва наслдорлик хусусиятларини яхшиламасдан фақат сонини ошириб бориш чорвачиликни экстенсив юритишнинг айнан ўзидир.

Чорвачиликни ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари шундаки, унда ишлаб чиқариладиган маҳсулот бевосита ҳайвонлар организмидан олинади. Шунинг учун чорвачилик маҳсулотларини етиштириш, чорва молларининг биологик хусусиятларидан қандай фойдаланишга боғлиқ. Бу биологик хусусиятлар қуйидагилардан иборат:

турли чорва молларининг наслини ўсиш тезлиги ва етилувчанлик даражаси ҳар хил бўлади. Масалан, бузоқ вазнининг ўсиш тезлиги, у бир ёшга етгунча 8,5-9,0 марта, қўзиники 15-20 марта, чўчқа болалариники 125-150 мартани ташкил этади;

чорва молларининг истеъмол қилган озиқаларининг ҳазмланиш ва маҳсулотга айланиш даражаси турлича бўлади. Масалан, чўчқаларда истеъмол қилинган ҳар 100 кг озиқа бирлигининг 35 фоизи уларнинг танасида гўшт ва ёгга айланса, корамолларда эса фақатгина 14 фоизи ҳазм бўлиб маҳсулотга айланади, пировард натижада, корамолчиликда 1 кг гўшт ишлаб чиқариш учун чўчқачиликка нисбатан 2 марта кўп озиқа бирлиги сарфланади;

чорва моллари биринчи қочириш ёши ва бўғозлик даврининг узун, қисқалиги билан ҳам фарқланадилар. Масалан, чўчқалар биринчи марта 8-9 ойлигида, қорамол ва қўйлар 18 ойлигида қочирилади, демак чўчқалар бошқа чорва молларига нисбатан 2 марта тез етилувчан.

Чўчқачиликда бўғозлик даври 114-116 кун бўлганлиги учун улардан бир йилда 2,0-2,5 марта насл олиш ёки улардан 20-25 бош чўчқа боласи олиб, уларни жадал ўстириш натижасида 18-20 ц чўчқа гўшти ишлаб чиқариш имкониятлари мавжуд бўлган бир вақтда, сигирлардан 9 ой бўғозлик даврида 1 та бузоқ олиш ва 2 ц гўшт етиштириш (чўчқачиликка нисбатан 9-10 марта кам), қўйлардан 5 ой бўғозлик даврида 1 та қўзи олиб, 0,5 ц гача (чўчқачиликка нисбатан 40 марта кам) тирик оғирликни ўстириш мумкин.

чорва моллари, гўшт сўйим чиқимининг юқори ва пастлик даражаси билан ҳам бир-бирларидан тафовутланадилар. Масалан, чўчқачиликда уларнинг зоти ва семизлик даражасига қараб гўштнинг тоза чиқими 62 фоиздан 81 фоизгачани ташкил этса, корамолчиликда 50-60 фоиз ва қўйчиликда 44-54 фоизни ташкил этади холос;

чорва молларидан самарали фойдаланиш даври ҳам турлича бўлади. Масалан, корамоллардан фойдаланиш муддати 8-10 йил, қўйлар 7-8 йил, чўчқалардан 4 йил, шу муддатларга қараб уларни яроқсизликка чиқариб гўштга топшириш режалаштирилади: корамоллар 10-12 % яроқсизликка чиқарилади, қўйлар 14-15 %, чўчқалар 25 % яроқсизликка чиқарилиши мўлжалланиб бизнес режага киритилади.

Чорвачилик тармоқларининг юқорида қайд этилган хусусиятларидан чорва молларини жадал ривожлантириш муаммоларини ҳал этишда фойдаланиш лозим.

Чорвачиликни янада ривожлантириш ва унинг иқтисодий самарадорлигини ўстиришда давлат томонидан ишлаб чиқилган «Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш дастури» ғоят катта аҳамиятга эгадир.

Давлат дастурида чорвачиликни жадал ва барқарор ривожлантириш учун қуйидаги тадбирий чораларни амалга ошириш аниқ вазифа қилиб қўйилган:

- чорвачилик фермаларини хусусийлаштириш;
- ихтисослашмаган хўжаликлардаги чорвачилик фермалари, улардаги моллар бош сонидан қатъий назар 250 бошдан кам корамоли бўлган фермалар шахсий мулк сифатида сотилиши;
- мол бош сони 250 бошдан кўп бўлган қорамолчилик фермалари фермер хўжаликларига айлантирилиши;
- давлат наслчилик заводлари, наслчилик хўжаликлари ва фермалари, балиқ етиштириш учун мўлжалланган ҳовузлар ва табиий сув ҳавзалари хусусийлаштирилмаслиги;
- ихтисослаштирилган наслчилик хўжаликларини ташкил этиш;
- зооветеринария пунктлари очилиши, уларни барча керакли лаборатория ускуналари ва асбоб анжомлар билан тўлиқ таъминлаш;
- хусусийлаштирилган чорвачилик фермалари ва фермер хўжаликларига суғориладиган ер майдонларини беркитиш;
- ҳар йили озиқабоп экинлар 140 минг гектарга, такрорий экин майдонларини 200 минг гектар ҳисобида белгилаш;
- "Ўзгўштсутсаноат" давлат ҳиссадорлик уюшмасида қорамоллар ва чўчқаларни бўрдоқилаш;
- коракўлчиликда соҳани мустақил фермер хўжаликлари шаклига ўтказиш;
- пиллачилик соҳасини бошқариш тизимини такомиллаштириш, грен заводлари, пилла етиштирувчилар ва ипак йигирувчи корхоналар бирлаштирилиб, маҳсулотни калава сифатида тўқимачилик фабрикаларига сотиш ва экспорт қилиш;
- балиқ етиштирувчи фермер хўжаликларини ташкил этиш;
- чорвачилик маҳсулотларини жойларда харид қилиб олиш.

Чорвачиликни юритишнинг янги тизимини истиқболга мўлжалланган тадбирий чораларини амалга ошириш, тармоқда мулк шаклини бозор иқтисодиёти талабларига мослаштиришга ва чорва-чиликнинг олдига қўйилган вазифаларни тўлиқ ҳал этишга ёрдам беради.

1.2. Чорвачилик тизимини ривожлантиришнинг назарий асослари

Чорвачилик тизими дейилганда мамлакатдаги ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиш даражасига мос келадиган чорва моллари сонини

ўстириш ва сифат кўрсаткичларини яхшилаш, маҳсулдорлигини мунтазам ошириб бориш ҳамда маҳсулот бирлигига сарфланадиган меҳнат ва маблағ харажатларини тежаш имкониятларини яратиб берадиган чорвачилик воситаларидан максимал фойдаланиш орқали уни энг самарали тармоққа айлантиришни таъминлайдиган, иқтисодий, ташкилий, технологик ва техникавий тадбирий чоралар йиғиндиси тушунилади.

Чорвачиликнинг у ёки бу тармоғини мамлакатнинг айрим туманлари ва ҳудудларида жойлаштириш тасодифий бўлмай, балки аниқ табиий иқтисодий шарт-шароитлар, ахоли ва бозор эҳтиёжлари ҳамда маҳсулот ишлаб чиқариш самарадорлиги билан белгиланади Мамлакатнинг турли туманлари ва ҳудудларидаги табиий-иқтисодий хусусиятлар, ем-хашак етиштириш ва ундан фойдаланиш шароитлари ҳисобга олинган ҳолда чорвачиликни юритишнинг турли ҳудудий ва аниқ маҳаллий тизимлари юзага келади. Чорвачиликни юритиш тизимлари подани такрор ишлаб чиқариш, чорва молларини қиш ва ёз пайтларида асраш ва боқиш усуллари, ем-хашак етиштириш манбалари, тармоқни жадаллашганлиги, 1 бош чорва моли ва 1 гектар ем-хашак майдонига қилинадиган меҳнат ва маблағ харажатлари даражаси, ҳамда 1 гектар ер майдони ҳисобига етиштирилган маҳсулот миқдори билан фарқланади.

Чорва молларини асраш ва боқиш, ем-хашак етиштириш ва ундан самарали фойдаланиш хусусиятларига кўра чорвачиликни юритиш тизими яйлов, яйлов-ўтлоқ, яйлов-оғил, оғил-яйлов, оғил-лагер турларига бўлинади.

Соф асраш хусусиятларига кўра чорвачиликни юритиш тизими боғлаб боқиш ва боғламай боқиш тизимларига, чорва моллари бош сонига қилинадиган харажатлар ва улардан олинадиган махсулот миқдорига кўра экстенсив ва интенсив тизимларига бўлинади. Бинобарин, объектив сабабларга кўра табиий-иқтисодий шароити турлича бўлган хўжаликлар учун шунингдек, айрим чорвачилик тармоқлари учун ягона тизим бўлиши мумкин эмас.

Яйлов тизими энг қадимий чорвачилик тизимидир. Бу тизимнинг асосини табиий яйловлар ташкил қилиб, улардан йилнинг турли фаслларида фойдаланилади. Бу тизимда инсон чорвачиликдаги ишлаб чиқариш жараёнлари (молларни боқиш, ем-хашак тайёрлаш, чорва бош сонини такрор ишлаб чиқариш)га кам аралашади.

Яйлов-ўтлоқ тизимида чорва моллари йил фаслларига кўра мавсумий яйловларда сақланади. Ноқулай об-ҳаво ва бошқа табиий шароитлар ҳисобга олиниб, кишилар учун уй-жой бинолари, чорва моллари учун эҳтиёт озиқа захиралари, усти ёпиқ қўтонлар қуриш, яйловларга сув чиқариш, қудуқлар қазилиб, улардан сув чиқариш механизациялаштирилади, ветеринария назорати ва бошқалар йўлга қўйилади.

Човачилик тизимининг анча такомиллашган шакли маданий яйлов тизими бўлиб, у ишлаб чиқариш жараёнига одамнинг фаол аралашувини тақозо этади. Бундай яйловларга изень, саксовул ва бошқа кўп йиллик чўл буталарининг уруғи экилади, ёмғир сувларини тўплаш, қудуқлардан сув олиш йўли билан суғориладиган экинзорлар ташкил қилинади ва у ерларда

ем-хашак етиштирилади, чўл ва ўтлоқларда кичик сув хоналар - саҳобалар ташкил қилинади. Чорва моллари қўшимча озиқлантирилиб, уларнинг яхши ўсиш ва ривожланиши таъминланади.

Ўзбекистонда яйлов-ўтлоқ тизими қоракўлчиликда, гўшт ва дағал жунли қўйчиликида, йилқичиликда ва қисман гўшт корамолчилигида қўлланади.

Оғил-яйлов ёки яйлов-оғил тизими яйлов-ўтлоқ тизимининг анча такомиллашган ва жадаллашган кўринишидир. Оғил тизими чорва молларини яйловда ўтлатиш даври, яйловларда ўтлар ўсиш муддати билан белгиланади. Бу тизим яйлов майдони унчалик катта бўлмаган, далачиликдан ем-хашак олиш имкони бўлган хўжаликларда кенг қўлланилади, чорва моллари яйловларда ўтлар униб чиқишидан кузгача ўтлатилади, қишда эса уларни асраш кишилар зиммасига тушади. Чорва моллари қишда яхши жиҳозланган оғилхоналарда парвариш қилинади, ем-хашак таёрлаш, тележкаларга ортиш, суғориш, гўнг тозалаш ишлари механизацияланади, озиқа омборлари, ишлаб чиқариш иншоотлари бунёд этилади. Кўп хўжаликларда яйлов ва ўтлоқлар ҳосилдорлигини ошириш билан боғлиқ тадбирлар амалга оширилиб, маданий ўтлоқлар вужудга келтириладики, бу нарса ер бирлигига тўғри келадиган чорва моллари бош сонининг анча юқори бўлишини таъминлайди. Бунда ем-хашак майдони, чорва мол бош сони бирлигига меҳнат ва маблағ сарфлари кўп бўлсада, лекин харажатлар молларнинг анча юқори маҳсулдорлиги билан қопланиб кетади. Оғил-яйлов ўтлоқ тизими ҳозирги даврда мамлакатимизнинг турли ҳудуд ва туманларида қорамолчиликнинг гўшт, сут-гўшт ва сут йўналишида майин жунли ва ярим майин жунли қўйчиликда, гўшт-мой қўйчилигида кенг қўлланилмоқда.

Оғилхонада боқиш тизими чорвачиликнинг энг жадаллашган тизими бўлиб, қишлоқ хўжалигига яроқли ерларнинг жуда юқори даражада ҳайдалишига эришилган туманларда кенг қўлланилади, ем-хашак асосан далачиликдан олинади.

Агар яйлов, огил-яйлов тизимларида озиқа топиб ейиш қисман моллар зиммасига тушса, оғилхона тизимида озиқа етиштириш ва уни чорва молларига бериш бутунлай кишилар зиммасига тушади. Шунга кўра моллар қатъий меъёрлар асосида боқилиб, урчитиш ва болалатиш муддатлари тартибга солинади, йил давомида бир меъёрда ва юқори даражада маҳсулот етиштириш таъминланади. Бу тизимда моллар йил давомида бино ичида сақланиб сайр учунгина ташқарига чиқарилади.

Кўп хўжаликларда оғил-лагерь тизими ҳам қўлланилади. Бу тизимда моллар қишда оғилхонада боқилиб, ёз ойларида лагерларга олиб чиқилади. Одатда лагерлар фермадан узоқ бўлмаган маданий ўтлоқларда ташкил қилинади.

Чорвачиликни бу тарзда ташкил қилиш чорва моллари соғлигини сақлаш, уларнинг маҳсулдорлигини ошириш ва маҳсулот бирлигига сарфланадиган харажатларни қисқартириш имконини беради. Маданий яйловлар бўлмаган хўжаликларда ферма олди сайр майдончалари ташкил қилинади, ҳамда моллар ҳосили йиғиштирилган майдонларда ўтлатилади ва

сайр қилдирилади. Йил давомида оғилхонада боқиш тизими асосан молларни семиртиришда, репродуктор чўчқачилигида, оғил-лагер тизими эса жадаллашган сут корамолчилигида кенг қўлланилади.

Чорвачиликнинг у ёки бу тизимига иқтисодий баҳо беришда қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланилади:

- ҳар 100 га ем-хашак майдонига тўғри келадиган чорва моллари сони ва чорва молларининг маҳсулдорлиги;
- 1 бош молга тўғри келадиган харажатлар;
- ем-хашак бирлигига етиштирилган махсулот миқдори;
- меҳнат унимдорлиги ва маҳсулот таннархи, сарф-харажатлар самарадорлиги.

Хозирги вақтда хўжалик юритиш тизими дейилганда корхона фаолиятини максадга мувофиқ тарзда ташкил қилиш, энг юқори ишлаб чиқариш натижаларига эришиш учун амалга ошириладиган ташкилий-иқтисодий, техникавий ва технологик ҳамда социал тадбирлар йиғиндиси тушунилади.

Бу тизим ҳар бир ҳудуд, туман ва корхонанинг табиий шароитларига мос келадиган ихтисослаштириш ва тармоқларни уйғунлаштириш тадбирларини ўз ичига олади.

Чорвачилик тармоқларини барқарор ривожлантириш ва самарали ташкил этиш учун, биринчи навбатда корхоналарнинг ҳудудий жойлашишидаги табиий-иқтисодий шароитларини ўрганиш ва унга мос келадиган чорвачилик тизимини шакллантириш мақсадга мувофиқ бўлади.

1.2.1-жадвал

Чорвачиликни юритиш тизими

Ташкилий тадбирлар:	***Технологик тадбирлар (зооветеринария)***	***Техникавий тадбирлар:***
Ихтисослаштириш, жойлаштириш ва ишлаб чиқариш ҳажми	Подани такрор ишлаб чиқариш	Машиналар тизими
Ишлаб чиқариш бўлинмалари (ферма, цех, бригада, отар) ни ташкил килиш	Наслчилик ишлари	Бино ва техника воситалари тизими
Меҳнатни ташкил қилиш, меъёрлаш ва ҳақ тўлаш	Зооветеринария тадбирлари	Ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаштириш, электрлаштириш, автоматлаштириш ва
Бошқариш ва ҳисоб китоб ишлари. Иш жара-	Чорва молларини сақлаш ва боқиш усуллари	

ёнларини ташкил қи-лиш ва назорат		компьютерлаштириш
Ички ва ташқи шартно-малар тузиш	Озиқа етиштириш ва тайёрлаш	
Рақобат муҳитини шакл-лантириш	Маҳсулотларни қайта ишлаш, тайёрлаш ва сотиш	

Чорвачилик тизимининг ташкилий иқтисодий тадбирларига: чорвачилик тармоқларини чуқур ихтисослаштириш ва жадаллашганлик даражасини ошириш: фермаларни самарали ҳажмини белгилаш: бизнес режалаштириш; меҳнатни меъёрлаштириш, ташкил этиш ва унга ҳақ тўлаш; ички хўжалик ҳисобини ташкил этиш ва бошқариш тадбирлари киради.

Технологик (зоомуҳандислик ва ветеринария) тадбирлари таркибига: подани такрорий ишлаб чиқариш, наслчилик ишлари, молларни асраш, озиқлантириш ва сақлаш, касалликларни олдини олиш ва даволаш тадбирлари киритилади.

Техникавий тадбирлар қаторига, тармоқларга керакли курилмалар, узатгичлар ва воситалар, озиқа таёрлашни механизациялаш ва автоматлаштириш, компьютерлаштириш, машиналар тизими, озиқаларни ташиш ва тарқатиш воситалари, сув билан таъминлаш, ҳаво тозалаш, сут согиш ва уни қайта ишлаш, гўнг ташиш, жун кирқиш, тухум йиғиштириш ва бошқа жараёнларни механизациялаштириш киради.

1.3. Чорвачиликда подани такрор ишлаб чиқаришни ташкил этиш

Чорвачилик тизимининг асосини ва тармоқни жадал ривожлантиришнинг ўзагини подани такрор ишлаб чиқариш масалалари ташкил этади. Чунки чорвачилик маҳсулотлари етиштириш чорва молларининг биологик хусусиятларига асосланади ва улардан фойдаланиш молларининг табиий яшаш даври билан белгиланади. Шунинг учун чорвачилик тармоғининг самарадорлиги подани такроран тўлдириб туриш даврининг узун, қисқалигига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади.

Подани такрор ишлаб чиқариш чорва моллар таркибини хусусан маҳсулдор молларни доимо янгиланиб туришини, подадан чиқариладиган молларни ёш, юқори маҳсулдор моллар билан алмаштириб турилишини тақозо қилади. Подани такрор ишлаб чиқариш насл олиш, ёш молларни ўстириш, уларни подадаги қариган, кам маҳсулдор моллар ўрнига ўтказиш ишларини ўз ичига олади.

Подани такрор ишлаб чиқариш тармоқ олдига қўйилган мақсад ва вазифаларни амалда бажарилишига қараб оддий ва кенгайтирилган холда амалга оширилади.

Чорвачиликни жадал ривожлантириш кўзда тутилмаган хўжаликларда оддий, яъни такрор ишлаб чиқаришда, маҳсулот етиштириш ва чорва моллар сони эски ҳажмда янгиланади. Агарда чорвачилик тармоғини жадал ривожлантириш режалаштирилган бўлса, у вақтда кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш амалга оширилади, яъни пода янгиланиб, чорва молларининг сони доимо кўпайтирилиб борилади, моллар сифати яхшиланади, зотсиз ва паст зотдаги моллар ўрнига, зотдор юкори классдаги ёш, махсулдор моллар мунтазам келтирилади. Подани кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш чорва моллари сонини кўпайтириш, сифат кўрсаткичларини яхшилаш, моллар маҳсулдорлигини жадал ўстириш билан қўшиб олиб борилиши керак. Моллар зоти ва наслдорлик сифатини яхшилаш, маҳсулдорлиги ва етилишини тезлаштириш - подани такрор ишлаб чиқаришнинг жадал йўли ҳисобланади. Бу чорвачиликни ривожлантиришнинг бош йўли бўлиб, тармоқнинг ялпи маҳсулотини янада кўпайтиришга, маҳсулотлар таннархини пасайишига ва рентабеллигини ошишига олиб келади.

Подани кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш мунтазам амалга оширилиши лозим бўлган доиравий жараён бўлиб қуйидагича ифодаланади:

Ишлаб чиқариш —> Истеъмол қилиш —> Ишлаб чикариш.

Подани такрор ишлаб чиқаришнинг тавсифи ва тезлиги қуйидаги биологик ва ташкилий-иқтисодий омилларга асосланади:

ёш молларни физиологик етилишига, янгилаш ёки қайта тиклаш учун қолдирилган молларни биринчи қочириш ёшида яъни ўз вақтида қочиришга, бўгозликнинг давом этиш муддатига;

подадаги урғочи (сигир, совлиқ ва ҳ.к) молларни унумли хизмат қилиш муддатини узайтиришга, уларни қисир колдирмаслик, серпуштлигини оширишга;

ёш молларни нобуд қилмасдан тўлиқ сақлаб қолишга, уларни парвариш қилишни яхшилашга;

подани такрор ишлаб чиқаришдан ортиб колган ёш ва яроқсизликка чиқарилган қари молларни реализация қилиш муддатларига;

молларни урчитиш ва болалатиш календарь муддатларини тўғри белгилашга, болалагандан кейинги куюкишнинг бошланиш муддатига, насл миқдорига, зотни бутун чоралар билан яхшилашга;

жадал ўстириш ва семиртиришни ташкил этишга;

молларнинг насл сифатини яхшилашга;

зооветеринария тадбирларини бир-бири билан боғлаб, бир вақтда ўтказишга.

Қайд этилган омилларнинг барчасини бир-бирига боглаб, талаб даражасида такомиллаштириб амалга ошириш, моллар маҳсулдорлигини кўпайтиришга ва иқтисодий кўрсаткичларни ижобий томонга ўзгаришига олиб келади. Масалан, сигирларни тўла қийматли меъёрдаги озиқалар билан озиқлантириш ва яхши асраш, уларни ўз вақтида сунъий уруғлантириш, жинсий юқумли касалликларнинг олдини олиш тадбирлари, қисир қолишнинг олдини олишга ва туғиш оралиғидаги даврни 13-14 ойдан, 11-12 ойгача қисқартиришга, натижада бузоқ олишни кўпайтиришга ҳамда

сигирлардан унимли фойдаланиш даврида кўпроқ сут олишга сабаб бўлса, буқачаларни жадал ўстиришда 400 кг тирик вазнга 2,5 йил ўрнига, 1,5 йилда эришишни, ҳар бир кг тирик вазнни ўстиришга 10-12 озиқа бирлиги ўрнига 7,5-8,0 озиқа бирлиги сарфлашга эришилади. Натижада подани такрор ишлаб чиқариш тезлиги ошиб, гўшт ишлаб чиқариш учун сарфланадиган озиқадан фойдаланиш 1,5 мартага кўпаяди. Ҳозирги вақтда ширкат, фермер ва хусусий хўжаликларда чорвачиликни кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш асосида олиб бориш молларни урчитиш ва бузоқ олиш, подани янгилаш, ёш молларни қайси вазнда ва қандай ёшда гўштга топшириш режаларини, уларнинг биологик хусусиятларига кўра тузишни тақозо этади.

Чорва моллари улардан унумли фойдаланилгандан кейин ёки қариганлиги, зотининг пастлиги ва бошқа сабабларга кўра маҳсулдорлигини пасайтирганлиги учун подадан чиқарилади, яроқсизликка ўтказилади. Пода меъёрида ташкил қилинганда сигирлар, совлиқлар ва она чўчқалар ҳар йили ўртача мутаносиб равишда 10-12 %, 14-15 ва 25 % миқдорда яроқсизликка чиқарилиш керак.

1.3.1-жадвал

Чорва молларининг биологик хусусиятлари

Кўрсаткичлар	Қорамол	Чўчқа	Қўй	От	Туя	Қуён
Бўғозлик даври, кун	240-320	110-130	142-155	310-410	390	28-35
Биринчи урчитиш ёши, ой	18-20	8-10	12-18	36-48	34	4-6
Сервис даври, кун	18-21	21-45	240	-	-	-
Куюкиш муддати, кун	21-28	18-21	13-21	16-27	-	-
Моллардан унумли фойдаланиш даври, йил	8-12	4-5	7-8	12-15	20-25	2-3
Пуштдорлик, бош	1,0	8-12	1-1,1	1,0	1,0	6-9
Бир ёшли молнинг тирик вазнини, унинг тугилган вақтдагига нисбатан ўсиши, марта	1:8,5	1:30	1: 8	1:7,5	1:7	-

Чорва молларидан энг самарали фойдаланишнинг тахминий муддати қуйидагича:

Сигирлар 8-12 йил; наслдор буқалар 5-8 йил; ишчи отлар 12-15 йил; урғочи чўчқалар 4-5 йил; эркак чўчқалар 4-6 йил; она қўйлар 6-7 йил; қўчқорлар 5-6 йил, қуёнлар 3-5 йил; товуқ, ўрдак 2-3 йил; курка 2-3 йил; ғозлар 4-6 йил. Подани ёш моллар асосида қаита тиклаш дейилганда, яроқсизликка чиқарилган қари моллар ўрнини тўлдириш ва подани кенгайтириш учун молларни асосий подага қайта тиклашга айтилади.

2-БОБ. ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА ХОРАЗМ ВИЛОЯТИДА ЧОРВАЧИЛИК СОҲАСИ РИВОЖЛАНИШИНИНГ ТАҲЛИЛИ

2.1. Хоразм вилояти чорвачилик тармоғида амалга оширилган ислоҳотлар таҳлили

Хоразм вилоятида қорамолчилик чорвачиликнинг етакчи тармоғи бўлиб, жами шартли бош молнинг 3/4 қисмини ташкил этиб, чорвачиликнинг умумий товар маҳсулотини 2/3 қисмини беради. Чорвачиликни, шу жумладан қорамолчиликни истиқболдаги ривожланиши Вазирлар Маҳкамасининг «Қишлоқ хўжалигини янада чуқур иқтисодий ислоҳ қилишнинг 1998-2000 йилларга мўлжалланган Дастури»да маҳсулот ишлаб чиқаришда таркибий ўзгаришлар бўлиши белгилаб берилганидек, кррамолчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш хусусий секторда амалга оширилиши кўзда тутилган. Шунинг учун ҳозирги вақтда мавжуд қорамолларнинг 86,1 фоизи, шу жумладан сигирларнинг 90 фоизи, бундан ташқари мамлакатимизда ишлаб чиқарилган сутнинг 93,6 фоизи, гўштнинг 91,1 фоизи хусусий секторга тўғри келмоқда.

Шунингдек, таъкидлаш ўринлики жумҳурият миқёсида қорамол ва чўчқа гўшти ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Узгўштсутсаноат» давлат ҳиссадорлик уюшмаси, аралаш маҳсулот: гўшт ва сут ишлаб чиқариш билан қисман қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат) хўжаликларидаги фермерлар, насл учун ўстириладиган ёш молларни ўстириш ва уларни сотиш билан давлатга қарашли ихтисослашган наслчилик заводлари, хўжалик ва фермалар шуғулланадилар.

2.1.1 - Жадвал

Хоразм вилояти қишлоқ хўжалиги турли мулкчилик шаклларида йирик шохли қорамоллар бош сони

Туманлар	Фермер хўжаликларида		Деҳқон хўжаликларида		Хамма турдаги хўжаликларда	
	2009 йил	2010 йил	2009 йил	2010 йил	2009 йил	2010 йил
Богот	6044	5942	49210	52610	55465	58793
Гурлан	5882	6112	56016	60122	62110	66750
Кушкупир	4639	4642	61617	62153	66358	66875
Урганч	6612	6744	80483	80728	89331	89448
Хазорасп	3660	3760	71810	72050	75553	75895

Хонка	4852	4925	68905	68907	73912	74097
Хива	5611	5615	57714	62142	63904	68301
Шовот	4835	5012	61895	64723	66835	69841
Янгиарик	2410	2580	49754	50716	52569	53506
Янгибозор	4463	3520	58114	60100	62684	63750
Урганч ш	38	38	6936	6941	6986	7050
Вилоятда	**49046**	**48890**	**622454**	**641192**	**675707**	**694306**

Қорамолчилик қайси шаклдаги корхонада ривожлантирилишидан қатъий назар маълум бир маҳсулот тури: гўшт, сут ёки наслли моллар етиштиришга ихтисослаштирилган бўлиши шарт. Шундагина кррамолчилик маҳсулотлари етиштириш учун энг қулай шарт-шаро-итларга, яъни компьютер технологияси ва генмуҳандислик ютуқларини жорий этишга қулай имконият вужудга келади, тармоққа тегишли фан-техника тараққиёти амалга оширилади. Бу эса рақобатбардош махсулот етиштиришни кескин кўпайтиришга, маҳсулот бирлиги ҳисобига тўғри келадиган меҳнат ва моддий пул ха-ражатларини камайтириш имконини яратиб, ишлаб чиқариш самара-дорлигини ўстиришга олиб келади.

Давлат ва ҳар хил шаклдаги қишлоқ хўжалик корхоналари тасарруфида бўлган қорамолчилик фермер хўжаликларида ишлаб чиқаришни ташкил этишда ички хўжалик ҳисоби шартларига тўлиқ амал қилишлари мақсадга мувофиқдир. Хусусий қорамолчилик фермалари эса тўлиқ хўжалик ҳисобида фаолият кўрсатадилар.

Турли хил мулкчилик тасарруфида бўлган қорамолчилик фермалари ва фермер хўжаликларида ишлаб чиқариш муносабатларини ўрнатишда, уларни ихтисослаштириш ва ҳажмларини илмий асос-ланган меъёрларда ташкил этиш керак.

Ихтисослаштиришнинг иқтисодий асосини тармоқда етиштирилган товар маҳсулотларининг таркиби, технологик жиҳатдан эса маҳсулдор пода таркибидаги сигирлар салмоги ташкил этади. Хозирги вақтда шу андозалардан келиб чиққан ҳолда сут ва гўшт ишлаб чиқаришнинг нисбатига кўра қорамолчиликни ихтисослаштиришда қуйидаги йўналишлар вужудга келган:

- сут етиштириш учун ихтисослашган корхона ва хусусий фермалар, улар асосан йирик шаҳарлар ва саноат марказлари атрофида жойлашган бўлиб, товар маҳсулотларининг 95-98 фоизи сут ва сут маҳсулотларидан иборат бўлиб, пода таркибида сигирлар салмоғи 75-80 фоизни ташкил этади;
- сут-гўшт етиштириш йўналишдаги хўжалик ва хусусий фермалар, уларда сут ва гўшт ишлаб чиқариш нисбатлари 80:20, 70:30, 60:40 (биринчи кўрсаткич сут, иккинчиси гўшт салмоғи, % да) нисбатда бўлиб, пода таркибида 65-70 фоиз атрофида сигирлар мавжуд бўлади;
- гўшт-сут етиштириш йўналишдаги хўжалик ва хусусий фермалар, булар аралаш маҳсулот етиштиришда бозор талабларидан келиб чиққан ҳолда, 80:20; 70:30 ва 60:40 (биринчиси гўшт, иккинчи кўрсаткич сут, фоиз ҳисобида) нисбатда гўшт ва сут маҳсулотлари етиштирилиб, пода таркибида 40-45 фоизгача сигир сақлайдилар;

гўшт ишлаб чиқариш йўналишидаги хўжалик ва хусусий фермалар мавжуд, уларда товар маҳсулотларининг 90-95 фоизини гўшт етиштириш ташкил этади ва пода таркибида 30-35 фоиз сигирлар гўшт ишлаб чиқариш учун бузоқларни ўстиришга хизмат қиладилар.

2.1.2 - Жадвал

Шу жумладан сигирларнинг бош сони

Туманлар	Фермер хўжаликларида		Дехкон хўжаликларида		Хамма турдаги хўжаликларда	
	2009 йил	2010 йил	2009 йил	2010 йил	2009 йил	2010 йил
Богот	1619	1594	19596	19952	21260	21589
Гурлан	1831	2109	25587	26357	27495	28546
Кушкупир	1655	1672	26378	27239	28059	28938
Урганч	1944	1948	30879	30965	33260	33402
Хазорасп	1980	2140	33980	34140	35973	36298
Хонка	1422	1552	26785	26685	28243	28300
Хива	1725	1729	24381	25430	26332	27338
Шовот	1660	1678	22411	22696	24103	24406
Янгиарик	505	516	21304	21970	21912	22569
Янгибозор	2738	2650	22340	22914	25110	25600
Урганч ш	8	8	3709	3699	3722	3727
Вилоятда	17087	**17596**	257350	**262047**	275469	**280713**

Чорвачиликда фермаларни ихтисослаштириш кутилган самарани бериши учун, уларнинг ҳажмини ички ресурслардан тўлиқ фойдала-ниш имконини берадиган даражада ўрнатиш керак.

Қўйчиликда ихтисослаштириш, хўжалик ва тармоқлар ҳажми. Қўйчилик чорвачиликда анчагина катта аҳамиятга эга. Бу тармоқ гўшт, ёғ, сут, жун, тери, қоракўл териси каби хилма-хил ва қимматбаҳо маҳсулотлар беради.

Қўйчилик чорвачиликнинг товар маҳсулот етиштиришдаги етакчи тармоқлардан ҳисобланади, гўшт етиштиришда қорамолчиликдан кейин иккинчи ўринда туради. Қўй гўшти ҳар йили Ўзбекистонда етиштириладиган гўштнинг 20 фоизини ташкил этади.

2.1.3 - Жадвал

Хоразм вилояти қишлоқ хўжалиги турли мулкчилик шаклларида қўй-эчкилар сони

Туманлар	Фермер хўжаликларида		Дехқон хўжаликларида		Ҳамма турдаги хўжаликларида	
	2009 йил	2010 йил	2009 йил	2010 йил	2009 йил	2010 йил
Богот	1780	3810	44645	45879	46554	49813
Гурлан	2158	2164	8445	9144	10603	11308
Кушкупир	2507	3018	61374	63191	64017	66353
Урганч	2758	3983	37812	38992	40692	43275
Хазорасп	2921	3201	56710	58960	59699	62231
Хонка	1291	1344	20194	21211	21491	22575
Хива	1511	1541	26951	29309	28558	30967

Шовот	998	1120	25206	25603	26204	26761
Янгиарик	1465	1650	28210	29376	29759	31160
Янгибозор	574	690	6450	8251	7024	8941
Урганч ш			2018	2024	2018	2024
Вилоятда	17963	**22521**	318015	**331940**	336619	**355408**

Табиийки, чорвачилик тармоқларида ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ҳозир энг асосий масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Ихтисослаштириш бир қанча омилларга, шу жумладан хўжаликнинг табиий-иқтисодий шароитига, қўйлар зотига, уларни боқиш услубига, хўжаликдаги ишлаб чиқариш техникасига, маҳсулот етиштириш технологиясига ва буларнинг ҳаммасини бир мақсад учун йўналтирувчи иш жараёнларини тўғри ташкил этишга боглиқдир.

2.1.4 - Жадвал

Шу жумладан қоракўл қўйлар бош сони

Туманлар	Фермер хўжаликларида		Деҳқон хўжаликларида		Ҳамма хўжаликларида	
	2009 йил	2010 йил	2009 йил	2010 йил	2009 йил	2010 йил
Богот	1580	3810	44645	43250	46354	47172
Гурлан	2158	2164	8445	9144	10603	11308
Кушкупир	2115	2462	55283	55418	57500	57994
Урганч	2758	3983	35305	36407	38185	40690
Хазорасп	1895	2120	49450	49840	51413	52030
Хонка	1012		19678		20696	0
Хива	1418	1520	25368	28886	26882	30516
Шовот	986	700	25008	24323	25994	25043
Янгиарик	691	565	27800	7142	28544	7725
Янгибозор	506		5543		6049	0
Урганч ш			2018		2018	0
Вилоятда	15119	17324	298543	254410	314238	272478

Қоракўлчилик чўл ва ярим чўл минтақаларида яшовчи аҳолининг фаолият кўрсатиш ва даромад олиш манбаси ҳисобланади. Кейинги йилларда тармоқнинг хўжалик юритиш тизимида ҳам, мулкчилик шаклларида ҳам кескин ўзгаришлар рўй берди. Бунга Вазирлар Маҳкамасининг кейинги йилларда қабул қилинган қарор ва фармойишлари асос бўлди. Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 13 июндаги "Қоракўлчиликда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш ва уни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 250-сонли қарори қабул қилинганидан сўнг тармоқда кескин ўзгаришлар бўлиши кузатилди. Хрзирги кунда қоракўлчиликда иқтисодий ишларни тако-миллаштириш, қоракўлчилик хўжаликлари ва корхоналарнинг фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида республикадаги 30 та наслчилик, 84 та товар хўжаликлари, қўйларни бўрдоқига боқувчи 11 та ва қоракўлча етиштирувчи 84 та мажмуа ҳамда қоракўлчилик маҳсулотларини қайта ишлайдиган 2 саноат корхонасини бир тизимга бирлаштирувчи, «Узбек қоракўли» компанияси ташкил этилган.

Мамлакатимизда ҳар бир хўжалик жойлашган ҳудуднинг табиий шароитига қараб, уларда жойлашган қўйларнинг зотларига кўра қуйидагича ихтисослашишни кузатиш мумкин: қоракўл тери, гўшт-жун ва гўшт-ёғ маҳсулоти берадиган хўжаликлар.

Ҳар бир ҳудуд хўжаликларида қўйчилик асосан икки йўналишда бўлади. Биринчиси - наслдор кўйлар етиштириш. Иккинчиси - товар маҳсулот етиштирувчи фермалар. Наслдор қўйлар етиштирадиган фермаларнинг асосий вазифаси зотли қўйларни тез етиштиришдан ва мавжуд зотларни яхшилашдан ҳамда янги зотларни яратишдан иборат. Товар маҳсулот етиштирувчи фермалар, кўйларни урчитиш, қоракўл тери, жун, гўшт ва бошқа маҳсулотларни кўпайтириш йўлида иш олиб боради.

Мамлакатимизнинг Тошкент, Сирдарё, Жиззах ва Самарқанд вилоятлари тог олди ва тоғли туманларида гўшт-жун берадиган Жайдари қўйлар, Фарғона водийси вилоятларининг тоғли ва тоғ олди ҳудудларида асосан ёг-гўшт учун думбали қўйлар боқилади. Думбали қўйларнинг асосий зотлари Ҳисори ва Жайдари қўйлардир.

Гўшт-жун учун боқиладиган қўйлар иқтисодий жиҳатдан анчагина афзалдир. Ҳисори ҳамда Жайдари думбали қўйлар гўшт ва ёғ етиштиришга мўлжалланган. Бу қўйлар иқтисодий жиҳатдан гўшт-жун берадиган қўйлардан кейинги ўринда турадилар. Кўп ёғингарчилик бўладиган ва ўт ҳамда пичан кўп ўсадиган яйловли тоғли туманларда Жайдари қўйларга нисбатан кўп даромад берадиган гўштдор жунли қўйлар етиштириш мақсадга мувофиқдир.

Мамлакатимизда қоракўлчилик муҳим аҳамиятга эга. Коракўл қўйлари асосан Бухоро, Қашқадарё, Навоий, Сурхандарё, Са-марқанд, Жиззах, Хоразм ва Қорақалпоғистон Республикасида боқилади.

Коракўл - Ўзбекистоннинг ифтихори ва бойлиги ҳисобланади. Коракўл терилари гул шаклларининг ўзига хослиги, табиийлиги, нақшларининг бойлиги, ипакдек юмшоқлиги, ялтироқлигининг юкорилиги билан жаҳонда шуҳрат қозонди.

Паррандачиликда ихтисослаштириш. Чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришда паррандачилик иқтисодий жиҳатдан энг самарали тармоқ ҳисобланади.

Ҳозирги даврда ишлаб чиқаришни жадал негизга ўтказиш паррандачиликда ҳам тез суръатлар билан амалга оширилмоқда. Хусусан қайта ташкил этилган йирик паррандачилик фабрикалари тўла саноат типидаги корхоналардир.

Иқтисодий жиҳатдан мустақил хрлда ташкил этилган паррандачиликнинг самарадорлиги тез ўсмоқда, техника, технология ва ишлаб чиқаришнинг ташкил этиш муттасил такомиллашиб бормоқда.

Паррандачиликда маҳсулотларни саноат асосида ишлаб чиқаришда асосий вазифа тармоқнинг биологик имкониятларидан кенг ва тўлиқ фойдаланиб кам меҳнат ва маблағ сарфлаб, кўпроқ ахоли ва бозор талабини қондирадиган тухум ва парранда гўшти-бройлер ишлаб чиқаришдир.

Паррандачилик фабрикаларида асосан четдан ташиб келтириладиган озиқалардан фойдаланилади, чунки уларнинг ўз хўжаликларида озиқа етиштирилмайди. Паррандачилик тармоги, паррандаларни такрор ишлаб чиқаришни таъминлаш, маҳсулот етиштириш бўйича шартнома топшириқларини бажариш ва табиий - иқтисодий масалаларни ҳисобга олган холда тухум етиштириш, тухум-гўшт етиштириш ва наслдор паррандачилик йўналишлари бўйича ихтисослашган.

Тухум етишпшриш йўналишидаги паррандачилик фермалари товуқчилик фермаларидагина ташкил этилади. Товуқ тухуми озиқ-овқат учун мазали, иқтисодий самарадор, товуқ боқиш учун озиқа базаси қулай бўлган ҳудудларда кенг тарқалган. Бошқа тухум, яъни ўрдак, курка, ғоз тухумини етиштириш товуқ тухумини етиштиришга нисбатан қиммат. Ўрдак ва курка

тухумига 3-4 баробар, ғоз тухумига - 10 баробар кўп озика бирлиги сарфланади. Шунинг учун ўрдак, ғоз ва курка фермалари тухум йўналишида бўлмай, уларда гўшт етиштириш учун жўжалар боқилади. Гўшт етиштириш йўналишидаги фермаларга асосан ўрдак, ғоз ва курка фермалари ихтисослашган. Бу йўналишдаги хўжалик фермалари товар гўшт (ўрдак, ғоз ва курка жўжаларидан бройлер) етиштириб берадилар.

2.1.5 - Жадвал

Хоразм вилояти қишлоқ хўжалиги турли мулкчилик шаклларида паррандалар сони

Туманлар	Фермер хўжаликларида		Деҳқон хўжаликларида		Хамма турдаги хўжаликларда	
	2009 йил	2010 йил	2009 йил	2010 йил	2009 йил	2010 йил
Богот	59814	59415	203495	213500	292173	312056
Гурлан	82373	138190	289500	265277	372273	403667
Кушкупир	80823	84502	180745	193058	268017	281646
Урганч	73020	85520	280542	272654	436024	471413
Хазорасп	23380	26410	162410	164401	186328	191943
Хонка	27713	26138	176675	176950	360024	395026
Хива	33628	36092	150079	160640	324436	326594
Шовот	64318	67100	201280	202648	266219	278424
Янгиарик	12380	12740	145760	146450	166015	168290
Янгибозор	71066	58742	128710	147545	199776	210523
Урганч ш			22300	22450	22300	50857
Вилоятда	**528515**	**594849**	**1941496**	**1965573**	**2893585**	**3090439**

Тухум-гўшт етиштириш йўналишидаги фермалар асосан паррандачилик хўжаликларига хосдир. Мазкур йўналишдаги фермалар гўшт ва тухум етиштириб беради. Паррандачиликда наслчилик ишларининг асосий йўналиши инкубаторлар учун товар маҳсулот сифатида тухум ва инкубациядан ўрдак, ғоз ва курка жўжалари чиқаришдан иборатдир.

Паррандачилик ферма ва хўжаликлари маҳсулот етиштиришгагина эмас, балки айрим ишлаб чиқариш жараёнларига, масалан, гибридлар яратиш ва кўпайтириш, гўшт учун жўжа чиқариш ва уни семиртиришга боқиш, тухум учун товуқ боқиш ва парранда сўйиш ва қайта ишлашга ҳам ихтисослашиши мумкин. Ҳар бир туман ва ҳудуд олдида турган вазифага мувофиқ, табиий-иқтисодий шароитларга қараб, ҳозирги даврда қуйидагича ихтисослашган паррандачилик фермалари таркиб топган:

• илмий-тадқиқот муассасалари қошида наслчилик-генетик-тажриба хўжаликлари - бу хўжаликлар янги сермаҳсул гибрид паррандалар етиштириб беришади;

• давлат синов-назорат станциялари - булар гибрид паррандаларни ўрганиб, наслчилик заводларига тавсия қиладилар;

• наслчилик заводлари - булар паррандаларнинг янги зотларини яратиш билан шугулланадилар;

• наслчилик репродуктор хўжаликлари - асосан саралаш ишлари олиб боради ва махсус паррандачилик хўжаликлари галасини тўлдириш учун она паррандалар гибридларидан танлаб берадилар;
• паррандачилик хўжаликлари - булар парранда гўшти ва тухум етиштириш билан шуғулланадилар;
• паррандачилик фабрикалари - булар саноат асосида гўшт ва тухум етиштириш билан шугулланадилар. Улар йирик шаҳарлар атрофида жойлашиб, жами талаб қилинадиган озиқани сотиб олиш билан ишлаб чиқаришни ташкил этадилар;
• паррандачилик ишлаб чиқариш бирлашмалари - буларда асосан бир неча хўжалик кооперацияси тамойили асосида иш кўришади;
• инкубатор-паррандачилик станциялари - булар наслчилик хўжаликларидан олинган тухумларни инкубация қилиш билан шуғулланадилар;
• паррандачилик товар маҳсулотларини етиштирувчи хусусий фермалар - булар гўшт ва тухум етиштириш билан шуғулланадилар. Шуни ҳам айтиш керакки, ихтисослашган наслчилик корхоналари ўз олдиларида турган вазифаларига қараб, селекция-генетика ҳудудий станцияларига, илмий муассасаларнинг тажриба хўжаликларига, паррандачилик наслчилик заводлари ва репродуктор-хўжаликларига бўлинадилар.

Янги ташкил этилган селекция-генетика ҳудудий станциялар ва илмий муассасаларнинг тажриба хўжаликлари паррандаларнинг янги зотларини яратиш билан чегараланиб крлмай, паррандачилик наслчилик заводларидаги янги технологик усуллар ва техник жиҳозларни бошқа фермаларга жорий қилиш, наслчилик ишларига услубий раҳбарлик қилиш билан ҳам шуғулланадилар.

Паррандачилик репродуктор хўжаликлари икки хилда бўлади. Биринчиси наслчилик заводларидан олинадиган маълум йўналишдаги аждод шаклларидан гибрид паррандаларнинг ота-она шаклларини яратади ва иккинчи хил репродуктор хўжаликларини ана шундай шаклдаги жўжалар билан хўжаликларни таъминлайди.

Замонавий паррандачилик фабрикалари фақатгина бир хил маҳсулот етиштиришга ихтисослашган бўлиб, саноат асосида тухум ва парранда гўшти етиштиради. Улар мамлакатнинг йирик саноат марказлари, катта шаҳарлар, курортлар атрофида жойлашган бўлади.

Бундай махсус паррандачилик корхоналари ҳам ўз ишлаб чиқаришини саноат асосида ташкил этади. Шу билан бирга катта ер майдонига эга бўлиб, ўзларида кўпайтирилаётган паррандаларни озиқа билан таъминлайдилар.

Бундай корхоналар кўпинча сут йўналишидаги кррамолларга ҳам эга бўладилар. Уларни шаҳарлар яқинида, улардан узоқроқда, донли экинлар етиштириладиган ҳудудларда ҳам жойлаштирилиши яхши натижа беради. Махсус фабрикаларда паррандачиликнинг их-тисослашган ферма - цехлари бўлиб, улар ширкат хўжаликлари паррандачилик фермаларига нисбатан иқтисодий жиҳатдан анча самарали, маҳсулотларининг таннархи арзон ва рентабеллик даражаси юқори.

Паррандачилик станциялари ўз инкубаторларида жўжалар етиштириб, улар билан ширкат ва хусусий хўжаликларнинг товар фермалари, цехлари, ишчи ва хизматчилар хўжаликларини таъминлайдилар.

2.1.6 - Жадвал

Хоразм вилояти қишлоқ хўжалиги турли мулкчилик шаклларида асалари уялари сони

Туманлар	Фермер хўжаликларида		Деҳқон хўжаликларида		Хамма турдаги хўжаликларда	
	2009 йил	2010 йил	2009 йил	2010 йил	2009 йил	2010 йил
Богот	1123	607	1262	1680	2385	2363
Гурлан	550	800	1694	2100	2244	2900

Кушкупир	270	250	675	695	945	945
Урганч	679	760	3350	3350	4029	4110
Хазорасп	150	150	1650	1650	1800	1800
Хонка	30	30	1750	1750	2580	2540
Хива	300	300	1655	1655	1955	1955
Шовот	338	342	1048	1066	1636	1658
Янгиарик	150	196	1262	1262	1412	1458
Янгибозор			1250	1252	1250	1252
Урганч ш						
Вилоятда	3590	3435	15596	16460	20236	20981

Асаларичиликни ривожлантириш асослари

- Асалари оилаларидан асал, асалари сути, асалари заҳри, мум, перга ва прополис олиш;
- Асаларилар ёрдамида ўсимликларни чанглатиб ҳосилдорликни ошириш;
- Биологик хилма-хиллик ва ноёб ўсимликлар турини сақлаш;
- Аҳолини иш билан таъминлаш;
- Асалари махсулотларидан тиббиётда турли-хил дори-дармонлар тайёрлаш.

2.2. Вилоят чорвачилик тармоғини ривожлантириш дастурлари таҳлили

Республикада чорвачилик сохасини ривожлантириш асосан уч йўналишда амалга оширилмоқда:

Биринчидан – Чорва моллари сонини шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида кўпайтириш мақсадида қорамол сотиб олиш учун микрокредитларни ажратиш.
Турли ташкилотлар қошида қорамолчилик, паррандачилик, балиқчилик ва асаларичилик ёрдамчи хўжаликларини ташкил этиш.

Иккинчидан - Чорвачиликда наслчилик ишларини яхшилаш мақсадида четдан наслли молларни келтириш, сигир ва таналарни сунъий уруғлантиришни қамраб олиш даражасини ва моллар махсулдорлигини ошириш.
Зооветеринария сервис хизматларини янада кенгайтириш мақсадида зооветеринария пунктлари сонини кўпайтириш.

Учинчидан - Озуқа базасини яхшилаш учун мавжуд озуқа экинлари майдонларидан унумли фойдаланиш ва озуқабоп экинлар ҳосилдорлигини ошириш. Ахоли ва фермер хўжаликларига омухта ем, шрот ва шелуха махсулотларини ташкил этилган махсус шахобчалар орқали етказиб бериш.

Ушбу ишларни амалга ошириш натижасида:

Биринчидан - Республикада қорамоллар сони 8,5 млн бош бўлиб, охирги 5 йилда 2.6 млн. бошга ёки 45 фоизга кўпайди. Шу жумладан шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларида 2.2 млн. бошга ёки 38 фоизга, фермер хўжаликларида 200 минг бошга ёки 62 фоизга ошди.

Қўй ва эчкилар сони 14.4 млн бош бўлиб, шу йиллар давомида 4.5 млн. бошга ёки 45 фоизга, шундан ахоли ва дехқон хўжаликларида 3.6 млн. бошга ёки 65 фоизга, фермер хўжаликларида 678 минг бошга ёки 35 фоизга купайди.
Паррандалар бош сони 33 млн бошни ташкил этиб, 14,2 млн бошга ёки 1,7 мартага, шундан ахоли ва дехқон хўжаликларида 8,4 млн бошга ёки 1,6 мартага, фермер хужаликларида 2,7 млн бошга ёки 4,3 мартага ортди.
Иккинчидан – Зооветеринария сервис хизматларини кенгайтириш мақсадида 791-та пунктлар ташкил этилиб, уларни сони 2443 тага етказилди Шу йиллар давомида пуллик хизмат кўрсатиш даражаси 6 баробарга ошди. Сигир ва таналарни сунъий уруғлантириш эса 10 баробарга кўпайди.
Учинчидан - Ахоли қарамоғидаги чорва молларини кўпайтириш ва бандлигини ошириш мақсадида охирги 4 йилда 125.6 млрд. сўм миқдорида қорамоллар сотиб олиш учун микрокредитлар ажратилди.
Тўртинчидан - паррандачилик фермер хўжаликлари сони охирги уч йилда 370 тага ошиб, 677 тага етказилди.Ушбу мақсадларда биргина 2009 йилнинг ўзида 18 млрд. сўм кредит маблағлари ажратилди.

Вилоятда чорвачилик деҳқончиликдан кейинги иккинчи ўринда туради. Унинг қишлоқ хўжалигидаги ялпи махсулот салмоғи 30% га яқин. Бу тармоқ аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминласа, озиқ-овқат ва енгил саноат тармоқларни эса хом ашё билан таъминлайди.

Вилоятдаги тупроқ ва табиий иқлим шароитлар унумдор суғориладиган ерлар чорвачилик учун ем-хашак базасини яратиш учун етарли деса бўлади. Суғориладиган ерларда қорамолчилик, паррандачилик, асаларичилик, балиқчиликни ривожлантириш учун қулай шароитлар мавжуд. Вилоят чорвачилиги деҳқончиликнинг барча тармоқларида, хусусан пахтачилик, шоличилик, полизчилик, сабзавотчилик, бедачилик билан чамбарчас боғлиқ ҳолда ривожланади. Чорвачилик ялпи маҳсулотида қорамолчилик 70%, кўй-чилик 10%, паррандачилик 10%, пиллачилик ва асаларичилик, балиқчилик 2% ни ва бошқа тармоқлар 3 % ташкил - қилади. Вилоятда чорвачилик экстенсив йўналиши асосида ривожланмоқда. Аксарият чорва моллари ҳам махсулдор бўлиш билан бирга етиштирилган маҳсулотлари таннархи юқори бўлиши, чорвачиликнинг самарасиз тармоқ бўлишига сабаб бўлмоқда. Шуни таъкидлаш кераки, хусусий ва деҳқон-фермер хўжаликларидаги чорва маҳсулотлари таннархининг бирмунча паст бўлиши таъминланмоқда. Аҳолининг шахсий хўжаликларида етиштирилаётган маҳсулотлар ўз сифати билан ажралиб туради.

Жадвал 2.2.1.

Хоразм вилояти ва республиканинг бошқа худудларида 2004-2009 йилларда чорва моллари бош сони (минг бош)

Худудлар	Қорамоллар	Сигирлар	Қўй ва эчкилар

	2004 йил	2009 йил	2009 йил 2004 йилга нисбатан %	2004 йил	2009 йил	2009 йил 2004 йилга нисбатан %	2004 йил	2009 йил	2009 йил 2004 йилга нисбатан %
Қорақалпо-ғистон Р	422,8	715,8	169,3	174,0	237,8	136,7	504,8	724,3	143,5
Андижон	480,0	665,8	138,7	209,4	292,6	139,7	565,3	817,6	144,6
Бухоро	467,9	827,4	176,8	203,0	342,8	168,9	886,2	1450,3	163,7
Жиззах	369,6	571,6	154,7	157,7	206,6	131,0	939,4	1309,9	139,4
Қашқадарё	609,8	972,1	159,4	262,9	392,0	149,1	1986,0	2966,0	149,3
Навоий	203,4	312,0	153,4	96,7	141,2	146,0	1218,8	1710,9	140,4
Наманган	369,9	485,7	131,3	143,5	176,7	123,1	488,7	600,1	122,8
Самарқанд	876,6	1118,2	127,6	403,6	538,3	133,4	1030,2	1544,3	149,9
Сурхондарё	487,1	647,7	133,0	227,4	284,0	124,9	1099,2	1592,3	144,9
Сирдарё	181,2	265,5	146,5	76,0	104,7	137,8	120,9	178,6	147,7
Тошкент	425,4	589,5	138,6	193,6	267,1	138,0	435,3	613,3	140,9
Фарғона	492,8	663,8	134,7	206,8	280,5	135,6	406,8	586,5	144,2
Хоразм	492,3	675,7	137,3	202,1	271,3	134,2	247,0	344,2	139,4
Жами	5878,8	8510,8	144,8	2556,7	3535,6	138,3	9928,6	14438,3	145,4

Вилоят чорвачилигининг экстенсив ривожланишидаги асосий сабаблардан бири—яйловларнинг йўқлиги, ем-хашак базасининг заифлигида бўлиб қолмоқда. Бундан ташқари чорвадорларда фан ютуқларидан унумли фойдалана олиш кўникмаларининг йўқлиги ва бунга доир билимларининг етишмаслигидан ҳам келиб чиқади десак, хато бўлмайди.

2004 йил бошида вилоятда жами 450022 бот қорамоллар боқилган. Қорамолларнинг 67890 таси жамоа ва ширкат хўжаликларига тўғри келган. 90 фоиздан ортиқ қора-моллар хусусийлаштирилган бўлиб, улар нодавлат секторида боқилади. Вилоятдаги қорамолларнинг 186261 тасиии сигирлар ташкил қилади. Бу сигирларнинг 15238 таси ширкат ва жамоа хўжаликларига тўғри келади.

Вилоятда қўй эчкилар 2004 йил бошида 208938 тани ташкил қилган. Шунинг атиги 8731 таси ширкат ва жамоа хўжаликларида боқилади. Демак вилоят

қўйчилигининг 98 фоизи хусусийлаштирилган тармоқ ҳисобланади. 2004 йил

Жадвал 2.2.2.

Хоразм вилояти ва республиканинг бошқа худудларида 2004-2009 йилларда паррандалар бош сони (минг бош)

Худудлар	Паррандалар		
	2004 йил	2009 йил	2009 йил 2004 йилга нисбатан %
Қорақалпоғистон Р	800,1	1383,7	172,9
Андижон	1758,4	3525,8	200,5
Бухоро	867,4	1663,3	191,8
Жиззах	559,5	1446,8	258,6
Қашқадарё	1228,1	2205,3	179,6
Навоий	781,3	1172,9	150,1
Наманган	731,1	1214,6	166,1
Самарқанд	2492,1	4170,8	167,4
Сурхондарё	1056,1	1834,6	173,7
Сирдарё	376,5	646,7	171,8
Тошкент	4401,7	8768,7	199,2
Фарғона	1185,8	2099,0	177,0
Хоразм	1437,6	2893,6	201,3
Жами	**17675,7**	**33025,8**	**186,8**

бошида вилоятдаги паррандалар сони 1 миллион 194 минг донани ташкил қилади. Шунинг 190439 таси ширкат ва жамоа хўжаликларида боқилади.

Бир соғин сигирдан сут соғиб олиш эса жамоа хўжаликларида атиги 892 литрни ташкил қилади. Буни ривожланган мамлакатлар билан қиёслайдиган бўлсак, уларда бу кўрсаткич 10000-12000 литрни ташқил қиладя. Ху-сусий хўжаликлар 1 соғин сигирдан соғиб олаётган сут миқдори 2000-3000 литрга тўғри келиши хусусий секторнинг афзаллигини кўрсатади. 1991 йилдан бошлаб, Айниқса чорвачиликда хусусий секторга эътибор кучайтирилди ва туб иқтисодий ислохотлар амалга оширила бошланди.

Ем-хашак майдонлари вилоятдаги қишлоқ хўжалиги ерларининг 7,7 фоизини ташкил этди. (1998 й). Бу кўрсаткич 1980 йилда 15 фоизига, 1090 йилда 20 фоизга тенг бўлган эди. Ем-хашакнинг асосини беда,

маккажўхори, шоли поялари (самон) озуқа лавлаги ва бошқалар ташкил этди.

Сут гўшт чорвачиликни ривожлантиришда суғориладиган ерларда алмашлаб экишни тўғри ташкил этиш, алоҳида аҳамиятга эга. Айниқса, беда, силосбоп экинлар, маккажўхори ҳосилдорлигини оширишга эътибор кучайтирилиши зарур.

Вилоятда қўйчилик ривожланмаган соха. Бунинг асосий сабаби уларни боқадиган табиий яйловларннг йўқлигидадир.

Бир дона товуқдан тухум олишда хар жамоа ва хусусий сектор ўртасида тубдан фарқ қилади. Жамоа хўжаликларида товуқдан тухум олиш 2002 йилда 124 га тўғри келган бўлса хусусий секторда 220-230 тани ташкил қилган.

Демак, вилоятда чорвачиликни янада ривожлантиришнинг келажакдаги истиқболлари бевосита хусусий секторга боғлиқ ва уни хар тамонлама қўллаб-қувватлаш, ривожлантиришдан иборат.

Вилоятда чорвачиликни ривожлантириш бевосита ем-хашак базаси билан боғлиқ. Аввало ем-хашак экинлари ўз вақтида ўриб олинса ва яхши сақланса чорвачиликдаги маҳсулот самарадорлиги янада юқори бўлади. Сигирларга йилига 28 кг хашак берилганда уларнинг ҳар биридан 2000-2200 литр сут соғиб олиш мумкин. Ўтлар миқдори 42-45 центнерга етказилса ҳар бир сигирдан 4000-4500 литргача сут олиш мумкинлиги тажрибаларда исботланган. Чорвачиликнинг ем-хашак базасини мустаҳкамлашда пахта, буғдой, шоли экинларини алмашлаб экишнинг ҳам таъсири катта эканлиги тажрибаларда исботланган.

Вилоят туманларида чорвачилик турлари ўзига хос ривожланиш хусусиятларига эга. Масалан: Урганч тумани қорамоллар бош сони бўйича вилоятда етакчи хисобланади. Бу туманда жами 72688 бош қорамол боқилади. Уларнинг 27000 тасини сигирлар ташкил қилади. Кўрсаткичнинг бундай юқори бўлиши туманнинг бевосита Урганч шахри атрофида жойлашганлиги ва бу ерда яшовчи аҳолининг гўшт ва сут билан таъминлашда туманнинг етакчи мавқейини эгаллашни таъминлаган деса бўлади. Худди шу ҳол Урганч шахридан 12-25 километр масофада жойлашган Хонқа туманида ҳам кузатилади. Туманда қорамолар сони 56763 бошни ташкил этади (2002 йил). Сигирлар сони 21553 та. Хонқа тумани ҳам, вилоят маркази аҳолисини сут ва гўшт маҳсулотлари билан таъминлашда Урганч туманидан кейин иккинчи ўринда туради.

Қўйлар бош сони бўйича Кўшкўпир, Боғот, Питнак туманлари вилоятда етакчи ўринда туради. Бу туманлардаги қўйчиликнниг етакчи мавкеини бевосита уларнинг Қорақум, Қизилқум чўллари билан чегарадош ҳудудларда жойлашганлиги, бу уларда қўйчиликни ривожлантириш учун қулай табиий шарт-шароитлари мавжудлиги билан белгиланади.

Жадвал 2.2.3.

Хоразм вилояти ва республиканинг бошқа худудларида 2009 йилда ахолини чорвачилик махсулотларига бўлган талабини қондирилиши тўғрисида

МАЪЛУМОТ

№	Худудлар	Аҳоли сони (минг киши)	Гўшт (минг тонна)					
			1 йилда талаб этиладиган маҳсулот	2010 йил 1 январ холатига ишлаб чиқарилган маҳсулот	фарқи (+,-)	Аҳоли жон бошига	2010 йилда маҳсулот 30 фоизга оширилганда	фарқи (+,-)
1	Қорақалпоғистон Республикаси	1632,5	65,3	27,1	-38,2	16,6	35,2	-30,1
2	Андижон	2504,4	100,2	43,1	-57,1	17,2	56,0	-44,1
3	Бухоро	1587,4	63,5	68,8	5,3	43,3	89,4	25,9
4	Жиззах	1098,3	43,9	60,8	16,9	55,3	79,0	35,1
5	Қашқадарё	2565,9	102,6	87,0	-15,6	33,9	113,1	10,5
6	Навоий	839,4	33,6	45,8	12,2	54,5	59,5	26,0
7	Наманган	2218,2	88,7	39,4	-49,3	17,7	51,2	-37,5
8	Самарқанд	3060,5	122,4	87,7	-34,7	28,6	114,0	-8,4
9	Сурхондарё	2037,1	81,5	54,4	-27,1	26,7	70,7	-10,8
10	Сирдарё	701,8	28,1	19,5	-8,6	27,7	25,4	-2,7
11	Тошкент	4739,2	189,6	83,0	-106,6	17,5	107,9	-81,7
12	Фарғона	3034,5	121,4	47,0	-74,4	15,4	61,1	-60,3
13	Хоразм	1538,5	61,5	46,3	-15,2	30	60,2	-1,4
Жами:		**27557,7**	**1102,3**	**709,9**	**-392,4**	**25,7**	**922,9**	**-179,4**
Изоҳ: бир кишига йиллик талаб			*40 кг*					

Вилоят туманларида паррандачилик соҳаси ривожланмаган бўйича Урганч тумани 1-ўринда туради. 1999 йилда бу туманда 4450000 дона товук боқилган. Бу вилоятдаги барча паррандаларнинг учдан бир қисми демакдир. Паррандачилик бўйича кейинги ўринда Хива тумани 227000 дона ва Шовот туманлари 11800 донани ташкил қилади. Вилоят гўшт салмоғида паррандачилик салмоғи 15 фоизга етади. Парранда тез ривожланувчи соха. Кейинги вақтда Хонқа, Хива, Урганч туманларида

паррандачилик корхоналар ташкил килинди. Вилоятда ғоз, ўрдак, курка боқиш ҳам тез суръатларда ривожланмоқда.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, вилоятнинг мураккаб экологик шароитларда жойлашганлигига қарамай бу ерда чорвачиликнинг барча тармоқлари йилдан-йилга оз бўлса ҳам ривожланишда давом этмоқда.

Вилоятда йилдан-йилга чўлланиш жараённинг кучайиб бориши чорвачилик тармоқлари олдига талайгина муаммоларни ҳам кўндаланг қилиб қўймоқда.

Қоракўл қўйларни ривожлантириш учун шароитлар етарли деса бўлади. Бу тармоқ вилоят ҳудудида тараққий этганлигини қў-йидаги мисолдан билса ҳам бўлади. 1673 йилда Хива хонлигининг Россиядаги элчиси Москвага 300 дона қоракўл териси совға қила-ди. Шундан кейин Хива хонлигида қоракўлчиликнинг ривожланиши сезиларли даражада ўса бошлайди. Қоракўл териларига бўлган талаб хорижда ҳам кўпая бошлайди. Хоразм вилоятишшг

Жадвал 2.2.4.

Хоразм вилояти ва республиканинг бошқа худудларида 2009 йилда ахолини чорвачилик махсулотларига бўлган талабини қондирилиши тўғрисида

МАЪЛУМОТ

№	Худудлар	Аҳоли сони (минг киши)	Тухум (млн дона)					
			1 йилда талаб этиладиган маҳсулот	2010 йил 1 январ холатига ишлаб чиқарилган маҳсулот	фарқи (+,-)	Аҳоли жон бошига	2010 йилда маҳсулот 30 фоизга оширилганда	фарқи (+,-)
1	Қорақалпоғистон Республикаси	1632,5	197,5	40,5	-157,0	25	52,7	-144,9
2	Андижон	2504,4	303,0	200,4	-102,6	80	260,5	-42,5
3	Бухоро	1587,4	192,1	162,7	-29,4	102	211,5	19,4
4	Жиззах	1098,3	132,9	97,3	-35,6	88	126,5	-6,4
5	Қашқадарё	2565,9	310,5	171,2	-139,3	121	222,6	-87,9
6	Навоий	839,4	101,6	129,8	28,2	155	168,7	67,2
7	Наманган	2218,2	268,4	84,4	-184,0	38	109,7	-158,7
8	Самарқанд	3060,5	370,3	534,1	163,8	174	694,3	324,0
9	Сурхондарё	2037,1	246,5	139,1	-107,4	68	180,8	-65,7
10	Сирдарё	701,8	84,9	49,2	-35,7	70	64,0	-21,0
11	Тошкент	4739,2	573,4	743,1	169,7	156	966,0	392,6
12	Фарғона	3034,5	367,2	153,8	-213,4	51	199,9	-167,2

13	Хоразм	1538,5	186,2	210,1	23,9	137	273,1	87,0
Жами:		**27557,7**	**3334,5**	**2715,7**	**-618,8**	**99**	**3530,4**	**195,9**
Изоҳ: бир кишига йиллик талаб			***121 дона***					

Пиллачилик республика қишлоқ хўжалигининг асосий тармоқларидан биридир. Пилладан олинадиган маҳсулотлар ипак саноати ва техниканинг кўпгина соҳаларида ишлатилади. Пиллачилик қадимий ишлаб чиқариш тармоқларидан бири бўлиб, ипак қурти уруғи дастлаб Хитойда бундан 7000 йил олдин пайдо булган. Пиллачилик деганда тут ипак қурти уруғини тайёрлаш, қуртни боқиш, пиллани дастлаб ишлаш Янги қурт зотлари ва дурағайларни яратиш ва тутчиликни ўз ичига оладиган мукаммал соха тушунилади. Тут ипак қурти вилоятимизда жуда қадимдан боқиб келинади. 1930 йилда республикамизда тут кўчатлари етиштиришга алоҳида эътибор берилиши мамлакатимизда хусусан, вилоятимизда пилачиликни юқори ўсиш суратларига эришилди. Бу даврда пилла етиштириш деярли 3 баробарга кўпайди. 1991 йилда вилоятда энг кўп 2216 тонна пилла етиштирилди. 1993 йилдан бошлаб пилла етиштириш давлат буюрмасидан чиқарилиб, уни харид қилиш эркин келишилган нархлар асосида олиб борилди. 1995 йилда республикада «ипак» ишлаб чиқариш бошқармаси тузилди. Бу бирлашма негизида барча вилоятларда шу жумладан Хоразм вилоятида ҳам «Хоразм ипаги» бирлашмаси ташкил қилинди.

Қишлоқ хўжалик вазирлиги хузурида «Пилла» уюшмаси ҳам тузилди. Вилоятларда эса пилла ишлаб чиқариш бирлашмалари вилоят пиллачилик ширкатлари тузилди. Ширкатлар буйича ҳар қути қурт уруғидан ўртача маҳсулдорлик 53-57 қилограм, илғор хўжаликларида 70-80 килограммга етмоқда. Пиллачиликда юқори сифатли қурт уруғи тайёрлаш муҳим аҳамиятга эга. Бир қилограмм пилла етиштириш учун 18-20 кг тут барги солинади. Ипак қурти боқиш учун барги олинадиган тут дарахтлари далаларнинг атрофларида, каналлар, ариқлар ҳамда йўл чеккаларида ўстирилади. Ҳозир ҳар бир қишлоқда тутзорлар барпо этилган. Тутларни парваришлаш буйича белгиланган агротехник тадбирларни амалга ошириш ва юқори махсулдор навларни жорий қилиш, тут барги хосилдорлигини гектаридан 2,5-3 тоннадан, 9-10 тоннагача оширишга, ҳамда унинг озиқавий сифатини яхшилашга имкон беради. Бир гектар тутзордан бир тонна барг олиш учун ўрта хисобда 141 қилограм азот, 72 қилограм фосфор, 90 қилограм калий сарф булади.

Асаларичилик. Асал энг мухим озиқ-овқат маҳсулотидир. Вилоятда асаларичилик тармоғидан асал, асал муми, асалари сути, захари, асалари йиғадиган гул чанглар (перга) каби маҳсулотлар олиш ва хашоратлар билан чангланадиган ўсимликларни чанглатиш, йўналишидаги асаларичилик ривошланмоқда. Асаларичилик маҳсулотлари қадимдан

маълум бўлсада, уларни кутиларда боқиш усули вилоятга анча кеч кириб келди.

Асаларичилик билан 20-50 *(90%)* ёки 50-150 (10) қути асал-ариси бўлган хусусий асаларичилар ҳам бор.

2.2.5 - Жадвал

Хоразм вилояти қишлоқ хўжалиги турли мулкчилик шаклларида асалари уялари сони

Туманлар	Фермер хўжаликларида		Деҳқон хўжаликларида		Хамма турдаги хўжаликларда	
	2009	2010	2009	2010	2009	2010
Богот	1123	607	1262	1680	2385	2363
Гурлан	550	800	1694	2100	2244	2900
Кушкупир	270	250	675	695	945	945
Урганч	679	760	3350	3350	4029	4110
Хазорасп	150	150	1650	1650	1800	1800
Хонка	30	30	1750	1750	2580	2540
Хива	300	300	1655	1655	1955	1955
Шовот	338	342	1048	1066	1636	1658
Янгиарик	150	196	1262	1262	1412	1458
Янгибозор			1250	1252	1250	1252
Урганч ш						
Вилоятда	3590	3435	15596	16460	20236	20981

Мавсумда 2 марта май-июн (бахорги) ва август-сентябрь (ёзги) асал олинади. Вилоятда кейинги йилларда асал тайёрлаш пасайиб бормоқда. Бунинг асосий сабаби Орол инқирози, Амударё бўйларидаги туқайзорларнинг ва гулли ўсимликларнинг йўқолиб бораётганлиги бўлиши мумкин.

1990-2003 йилларда вилоятда асал тайёрлаш қўйидагича бўлганлигини кўриш мумкин:

1991 йил —988 тонна, 1993 йил—775 тонна, 1995 йил —758 тонна, 1997 йил—661 тоина, 1999 йил—500 тонна, 2001 йил— 527 тонна, 2002 йил—390 тонна, 2003 йил—145 тонна асал тайёрланган. Вилоятда асаларилари кўчма усулда боқадиган майдонлар деярли қолмади. Асаларилардан ғўза, бедани чанглатишда самарали фойдаланиш мумкин. Ғўзани асалари билан чанглатиш ҳосилдорликни ўртача 5,1-5,9 центнерга ошириш тажрибаларда исботланган. Келажакда вилоятда, бу тармоқни истиқболли соҳага Айлантириш учун кескин чора-тадбирлар қўлланилмаса инқирозга учраши ҳеч гап эмас.

2.3. Хазарасп туманида чорвачилик соҳасини ривожлантириш дастурларининиг амалга оширилиши ҳолати

Ўзбекистон Ресггубликаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 1-мартдаги 03-35-12-сонли йиғилиш баёни топшириқларини бажариш мақсадида туман ҳокимининг "2011 йилда туманда қорамолчилик, паррандачилик, баликчилик ва асаларичилик тармоқларини ривожлантириш. озуқа базасини мустахкамлаш, озуқабоп экинлар уругларини етиштириш тизимини яратиш, сервис хизматлари кўрсатиш сифатини яхшилаш, чорва моллари маҳсулдорлигини опшриш ва маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш тўғрисида"ги 2011 йил 19 март 138қ-сонли қарори қабул қилиниб шу асосда дастур ишлаб чикилди.

Чорва кишловини муваффакиятли ўтказиш бўйича. Ҳазорасп туманида 32 та чорвачилик йўналишидаги фермер хўжаликлари фаолият кўрсатаётган бўлиб, уларда 2405 бош корамол, 633 бош сигир. 1976 бош кўй ва эчки, 2005 бош парранда, 21 бош от, 1 бош туя асралмокда. Уларга жами 967,0 гектар экин ери, шундан чорва озуқа экинлари учун 584,0 гектар ер майдони беркитиб берилган.

2011 - 2012 йиллар Чорва қишловини беталофат ўтказиш максадида 780 тонна беда пичани, 500 тонна сенаж, 1400 тонна силос, 2029 тонна самон, 3945 хар хил турдаги дағал ўтлар тайёрланди. Ҳар бир шартли мол ҳисобига 18,0 центнер озука бирлиги тайёрланди. Қишлов даври учун мавжуд чорва молларига молхоналар етарли бўлиб, уларни дарвозалари ойна эшиклари пленка қоқиб маҳкамланган. Қишловни мувоффақиятли ўтказишда амалий ёрдам бериш максадида ҳар бир фермер хўжалигига 1 тадан ветеринария мутахассиеи беркитилган.

Мавжуд дағал хашакларни майдалаб бериш учун 11 та майдалаш механизмлари ишламоқда. Ҳар бир фермер хўжалигида дағал хашакларни пишириб бериш учун (23 та) дошқозонлар ишлаб турибди. Молларни ҳавонинг совуқ даврларида суғориш учун молхоналар ичида суғориш имкониятига эга. Чорвадорлар учун ишлаш ва дам олиш шароитлари яратилиб, иссик овқат билан таъминланган.

Чорвачилик йўналишидаги фермер хўжаликлари томонидан 162,0 тонна гўшт. 1072,0 тонна сут, 131 минг дона тухум ишлаб чиқариш режалаштирилган. Бундан ташқари ахоли хонадонларида 77923 бош қорамол. 63412 бош кўй эчки. 331 бош от асралмокда.. Барча тоифадаги хўжаликларда 2011 йилнинг 21 декабрь ҳолатига қорамоллар бош сони 102,7 фоизга, сигирлар бош сони 102,8 фоизга, кўй ва эчкилар бош сони 103.3 фоизга ўсишига эришилди. Бугунги кунгача (Украина давлатидан) жами 190 бош зотли корамол олиб келинган.

2011 йюда 55 бош зотли мол четдан олиб келиш режалаштирилиб тумандаги фермер хўжаликлари томонидан 57 бош зотли корамол учун 283.3 млн. сўм микдорида маблағ ўтказилди.

Ҳақиқатда 2011 йилнинг 2 декабрь куни ҳолатига 55 бош ўрнига 63 ***бош*** зотли қорамол олиб келинди: жумладан "Султонмурод Мақсим" фермер хўжал***игига*** 15 бош, "Хофуз" ф/х га 7 бош, "Бобо Ҳасан"' ф/х ***га*** 11 бош, "Сарварбек" ф/х га 3 ***бош,*** "Ғуломбой Икромбой" ф/х га 2 бош, "Обод" ф/х га 1 ***бош,*** "Боғдор" ф/х га 2 бош, "Сохибкор” ф/х га 1 бош, "Усто Озод" ф/х га 2

бош, "Қора қум" ф/х ***га*** 1 бош, Тупроққалъа кишлоғидагя ф/хларига 8 бош, "Ҳазорасп пахта тозалаш" ОТХЖ га 10 бош олиб келиндн.

2.3.1-Жадвал

Ҳазорасп туманида 2011 йилда чорвачилик тармоғини кенгайтириш

Бажарилиши режалаштирилган ишлар ва тадбирлар номи	Улчов бирли-ги	2010 йилда	2011 йил режа	2011йил ҳақиқат-да	2010 йилга нисбатан	
Барча тоифа хўжаликла-рида Қорамоллар бош сони	бош	75895	78172	77923	2028	102,7
Сиғирлар	бош	36298	37387	37315	1017	102,8
Жами паррандалар	бош	186328	191943	194539	8211	104,4
Қўй ва зчкилар	бош	61388	64720	63412	2024	103,3

ва яхшилаш дастурининг бажарилиши

Дастурга асосан тумандаги "Ёмғир" фермер хўжалиги, "Илхомбой Маткаримов" фермер хўжалигига 40 бош наслли ғунажинлар етказиб бериш режалаштирилган эди. Хақиқатда бугунги кунгача 40 бош етказиб берилди.

Чорвачилик бўйича: Туманда жами қорамоллар бош сони 2011 йилда 78200 тани ташкил қилиб, 2010 йилга нисбатан 2305 бошга, яъни 103 фоизга ошишига эришилди. Шу жумладан, сигирлар бош сони 2011 йилда 37405 тани ташкил килиб, 2010 йилга нисбатан 1107 бошга, яъни 103 фоизга ошди. Қўй ва эчкилар бош сони 2011 йилда 64804 тани ташкил килиб, 2010 йилга нисбатан 3652 бошга, яъни 105,5 фоизга ошди (2.3.1 -жадвал).

Хазарасп туманида гўшт ишлаб чиқариш 2011 йилда 13215 тоннани ташкил қилиб, 2010 йилга нисбатан 3116 тоннага, яъни 130,8 фоизга ошли. Сут ишлаб чиқариш 2011 йилда 94080 тоннани ташкил килиб, 2010 йилга нисбатан 21767 тоннага, яъни 130,1 фоизга ошди. Ҳар бир сут согиб олинадиган сигирдан ўртача 2515,2 килограммдан сут соғиб олинишига, яъни 125 фоизга ошишига эришилди (2.3.2 -жадвал).

2.3.2-Жадвал. Ҳазорасп туманида 2011 йилда чорвачилик

Бажарилиши режалаштирилган ишлар ва тадбирлар номи	Улчов бирли-ги	2010 йилда	2011 йил режа	2011йил ҳақиқат-да	2010 йилга нисбатан	
Гўшт ишлаб чиқариш	тонна	10099	13129	13054	2955	129,3
Сут ишлаб чиқариш	тонна	75537	75929	75852	315	100,4
Тухум ишлаб чиқариш	минг дона	12173	12775	12625	452	103,7
Балиқ ишлаб чиқариш	тонна	98	118	115	17	117,3

махсулотлари ишлаб чиқариш

Хазарасп туманида наслчилик ишларини яхшилаш ва сунъий қочириш тармоғини кенгайтириш борасида 2011 йил дастурида 14482 бош сигирларни уруғлантириш белгиланган бўлиб. амадда 14510 бош сигирлар сунъий уруғлартирилди ва 2010 йилга нисбатан 1050 бош, яъни 107,8 фоизга кўп уруғлантирилди. Шундан фермер хўжаликларидаги белгиланган 2166 бош сигир суъний уруғлантирилиши белгиланган бўлиб, амалда 2194 бош сигирлар сунъий уруғлантирилди ва 2010 йилга нисбатан 28 бош, яъни 101.3 фоизга кўп уруғлантирилди.

Сунъий уруғлантириш учун талаб этиладиган 17919 дона ўрнига амалда 21200 дона наслли буқаларнинг чукур музлатилган уруғини "Наслхизмат" корхонаси оркали қорамолчилик йўналишидаги фермер хўжаликлари, зооветеринария шаҳобчалари ва сунъий уруғлантириш шаҳобчаларига етказиб берилди. 2011 йил давомида туманга четдан 55 бош наслли қорамоллар олиб келиш режалапгтирилган бўлиб, амалда 55 бош ўрнига 64 бош наслли корамол олиб келиниб, парвариш килинмоқда (2.3.3 - жадвал).

"Ҳазорасп чорва озука бирлашмаси" МЧЖ томонидан сунъий уруғлантириш шаҳобчаси мавжуд бўлмаган Овшар кишлоғидаги ем сотиш шаҳобчаси қошида сунъий уруглантириш пункти март ойида ишга туширилди ва ҳозирги кунда фаолият кўрсатиб келмокда.

2.3.3-жадвал.

№	Бажарилиши режалаштирилган ишлар ва тадбирлар номи	Улчов бирлиги	2010 йилда	2011 йил режа	2011 йил ҳақиқатда	2010 йилга нисбатан натажа	
1	Бешта қишлоғида зооветеринария шохобчаси ташкил эташ	та		1 •	1	1	100
2	Бешта қишлоғида сунъий уруғлантариш пункта ташкил эташ	та		1	1	1	100
3	Чорва молларига зооветеринария пуллик хизматлари кўрсаташ	минг сўм	56800	60200	61922	5122	109,0
4	Барча тоифа хўжаликларда сиғирларни сунъий уруғлантариш	бош	13460	14482	14322	862	106,4
5	Фермер хўжаликларидаги сиғирларни сунъий уруғлантариш	бош	1064	2166	2103	1039	197,7
6	"Чорванаслчилик" жамиятлари томонидан сиғирларни сунъий уруғлантириш	бош	992	2166	169	-823	33,3
7	Четдан "Қизил чўл" зотли қорамол олиб келиш	бош		55	63		
8	"Емғир" ф-р х-к томонидан зотли урғочи бузоқларни парваришлаб "Маткаримов Илхсмбой" ф-р х-кига	та		40	40		

	етказиб бериш						
9	"Ғуломбой Икромбой" ф-р х-к томонидан зотли ҳўкизчаларни парваришлаб "Одил Жайхун" ф-р х-к га етказиб бериш	та		30	30		

Ҳазорасп туманида 2011 йил зооветеринария ҳамда наслчилик сервис хизматлари кўрсатиш тармоғини кенгайтириш дастурининг бажарилиши

Дастур бўйича 2011 йилда тумандаги "Бобо Хасан" фермер хўжалиги томонидан 2 бош урғочи наслли мол тайёрлаб, "Умидли Гули Мирзо" фермер хўжалигига аукцион орқали сотилди. 2011 йилда белгиланган шахспй ёрдамчн дехқон ва фермер хўжаликларидаги чорва молларига 60,2 млн сўмлик зооветеринария сервис хизматлари кўрсатиш белгиланган бўлиб, амалда 61,9 млн сўмлик ветеринария сервис хизматлари кўрсатилди.

Озуқа базасини мустаҳкамлаш мақсадида 4264 гектар сувли майдонларга озуқа экинлари тўлиқ жойлапггирилиб, экилли. Ушбу майдонларнинг 500 гектарига такрорий ва 685 гектарига оралиқ экинлар экилиб, хар бир гектар майдондан 10-12 тонна озуқа бирлигида ҳосил олинишига эришилди (2.3.5 -жадвал).

Чорва қишловини беталофат ўтказиш максадида ҳар бир чорва мол бош сони ҳисобига ўртача 2,4 тоннадан, жами 169,4 минг тонна дағал хашак тайёрлаш белгиланган бўлиб. ҳақиқатда 172.7 тонна дағал хашак жамғарилди.

2.3.4-жадвал

Ҳазорасп туманида 2011 йилда чорвачилик тармоғини кенгайтириш ва яхшилаш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирлар дастурининг бажарилиши

№	Бажарилиши режалаштирилган ишлар ва тадбирлар номи	Улчов бирлиги	2010 йилда ҳақиқатда	Дастур бўйича 2011 йилда топшириқ	Ҳақиқатда бажарилди	2010 йилга нисбатан натажа	
19	*Чорвачилик ф-р х-кларига ажратилган экин ери*	*га*	*967,7*	*967,7*	*967,7*	*0*	*100,0*
20	*Шу жумладан, озуқа экинлари*	*га*	*465,2*	*584,4*	*500,6*	*35,4*	*107,6*
21	2011 йилда ташкил қилинган ф/х						
	А) Балиқчилик			2	2		
	Б) Асаларичилик			1	0		
	В) Паррандачилик			2-	1		

Ўзбекистон Республикаси Президентининг П*Қ*-1047 сон қарорига асосан 2011 йил дастурида белгиланган 1 та гўштни ва 1 та сутни қайта ишлаш корхоналарини ташкил қилиш ишлари якунига етказилмади ва бугунги кунда туманда гўшт ва сут маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналари умуман фаолият кўрсатмаяпти.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Мамлакатимизда иқтисодиётни модернизациялаш шароитида Хоразм вилояти ва шу жумладан Хазарасп туманида чорвачилик соҳасини ривожлантириш дастурларини муваффақиятли амалга оширишда қуйидаги ишларни вазифаларни бажариш зарур бўлади:

- шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида қорамол боқиш билан банд бўлган шахсларни иш билан таъминланган аҳоли тоифасига киритиш ва нафақа билан таминлаш;
- шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорвачиликни ривожлантиришни микрокредитлаш;
- шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларини омухта ем ва ширали озуқа билан таъминлаш;
- қорамол боқаётган деҳқон ва фермер хўжаликлари сонини кўпайтириш учун зарур хуқуқий ва иқтисодий шарт - шароитлар яратиш;
- чорвачиликнинг қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ўрни, тармоқ ялпи маҳсулотидаги улуши;
- чорвачиликни ривожлантириш асосида - аҳолини гўшт ва сут маҳсулотларига бўлган талабини қондириш, аҳолини иш билан таъминлаш ва уларнинг даромадларини кўпайтириш;
- наслчилик тизимини такомиллаштириш ва наслли моллар бош сонини кўпайтириш;

- чорвачилик билан шугулланувчи шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларига зооветеринария хизмати кўрсатиш тизими.

Чорвачиликни ривожлантиришдаги мавжуд муаммоларнинг ечимларини қуйидагиларда кўриш мумкин:

а) чорвачилик фермер хўжаликларида озуқа экин майдонларининг чорва моллари бош сонига мутаносиб жойлаштириш лозим;

б) озуқа экин майдонларидан фойдаланиш ва экинларнинг хосилдорлик даражасини хамда озуқа тўйимлилигини ошириш чораларини кыриш;

с) турли ёшдаги чорва моллари ва паррандалар учун тўла қийматли омухта емларни ишлаб чиқаришни кўпайтириш;

г) ем – хашак ўрим-йигим техникалари таъминотини яхшилаш лозим.

д) наслчилик ишларининг кенг миқёсли селекция усулида йўлга қўйиш лозим;

е) наслчилик базасини, наслли мол тайёрлаб сотиш ва четдан наслли моллар келтиришнияхшилаш чораларини кыриш талаб этилади.

ж) тўла қамровли зооветеринария ҳизматини яхшилаш;

з) зооветеринария пунктларининг жиҳозланиш даражасининг талабга мувофиқ жихозлаш, молларни суньий уруглантиришни яхшилаш;

и) кредит ресурслари билан етарли даражада таъминлаш мущим вазифалар былиб щисобланади.

Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорвачиликни ривожлантиришда ечимини кутаётган долзарб масалалар:

1. Қишлоқ худудларидаги ҳар бир шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликлари чорва қарамогида моллари бўлишига эришиш;

2. Барча йўналишдаги ва тоифадаги фермер хўжаликларида алмашлаб экиш тизимининг минимал шаклида озуқа базасини ташкил этишга эришиш. Чорвачилик ва паррандачиликни ташкил этиш.

3. Чорва молларини сотиб олиш учун ахолига имтиёзли микрокредитлар бериш;

4. Омихта ем тайёрлаш заводларини реконструкция қилиш ва юқори тўйимли турли рецептдаги омихта емларни ишлаб чиқариш;

5. Туман ва қишлоқ худудларида ем ва озуқаларни сотиб олиш учун ташкил этилган ем сотиш шохобчалари фаолиятини янада такомиллаштириш.

6. Барча табиий сув хавзалари ва қамиш босиб ётган марказий каналлардан ўтхўр балиқларни парваришлашда фойдаланиш;

7. Сут ва гўштни қайта ишлаш бўйича замонавий мини технология билан жихозланган сут ва гўштни қайта ишловчи микрозаводларни ташкил этиш ҳамда рақобатбардош бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқариш;

8. Ахоли қарамогидаги чорва молларини сунъий уруглантириш ва касалликларини олдини олиш мақсадида ҳар бир фуқаролар йигини қошида зооветпунктлар очиш;

9. Республика наслчилик станцияси фаолиятини тиклаш, наслдор “яхшиловчи” буқалардан фойдаланишни ва уларнинг музлатилган уругини барча худудлардаги зооветеринария шахобчаларига етказиб бериш

ҳамда аҳолини шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларидаги тана ва сигирларни сунъий уруглантиришга эришиш;

Ем хашак таъминотида:

- озуқабоп экинларни мутаносиб холда жойлаштиришни ва алмашлаб экиш тизимини жорий этиш;
- хўжаликларни озуқабоп экинлар ўрим-йигим техникалари билан таъминлаш масаласини хал этиш;
- ем-хашак экинларининг ҳосилдорлигини ошириш;
- худудларда чорвачилик билан шугулланувчи деҳқон ва фермер хўжаликларини кучли озуқалар билан таъминлашда қулайликлар яратиш;

Чорвачиликда наслчилик ишларининг вазифалари:

- қишлоқ хўжалик хайвонлари зотларини насл, махсулдорлик ва пуштдорлик хусусиятларини такомиллаштириш;
- чорва молларини янги тип ва тизимларини яратиш;
- чорва моллари зотларининг генофондини саєлаш;
- қишлоқ хўжалиги хайвонлари зотларини ирсий имкониятларини кенгайтириш мақсадида сунъий қочиришни кенг қўллаш;
- қоракўл териларнинг жахон бозори талабларига жавоб берадиган рақобатбардош янги типларини яратиш

Ветеринария хизмати бўйича амалга оширилиши зарур ишлар:

- хар бир қишлоқ фуқаролар йигини кошида зооветеринария шохобчаларини ташкил этиш;

чорвачилик ва паррандачилик маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлаш;

- юқумли касалликларни республика худудига кириб келишини олдини олиш;
- чорва молларини профилактик эмлаш ишларини тўла қамровда амалга ошириш;
- юқумли бўлмаган касалликларга қарши курашиш;
- аҳоли ва фермер хўжаликларига зооветеринария шохобчалари орқали сервис хизматлари кўрсатиш даражаси ва сифатини ошириш;

Чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлаш:

- қўшимча ишчи ўринлари яратиш ҳамда бу маҳсулотларга бўлган талабни қондириш мақсадида гўшт, сут, жун ва тери махсулотларини қайта ишлайдиган мини цехлар ташкил этиш;
- қоракўлчиликка ихтисослашган худудларда қоракўл тери ва жун маҳсулотларидан тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчи кичик цехлар очиш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–308 қарори бўйича берилаётган имтиёзлар:

- шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларига қорамол сотиб олиш учун имтиёзли микрокредитлар бериш;

- шахсий ёрдамчи, дехқон ва фермер хўжаликларини омухта ем ва ширали озуқа билан таъминлаш
- 2006 – 2010 йиллар даврида шахсий ёрдамчи, дехқон ва фермер хўжаликларида чорва моллари, биринчи навбатда қорамоллар сонини кўпайтиришни ра`батлантириш.
- чорвачилик билан шугулланадиган шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларидаги шахсларнинг меҳнат даври иш стажига киритилиши, уларга нафақа ва ижтимоий сугурта тўловлари тўлаш ва меҳнат дафтарчаларини юритиш;
- 2010 йилгача наслчилик хўжаликларини наслли мол учун божхона тўловларидан, зооветеринария хизмати ва сунъий қочириш пунктларини ягона солиқ тўловларидан озод этиш;

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Президент Ислом Каримовнинг 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2010 йил 30 январь.
2. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир. – Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2010 йил 28 январь.
3. Ўзбекистон Конституцияси – биз учун демократик тараққиёт йўлида ва фуқаролик жамиятини барпо этишда мустаҳкам пойдевордир. – Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси // Халқ сўзи, 2009 йил 6 декабрь.
4. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари / И.А.Каримов. – Т: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.
5. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби. Президент Ислом Каримовнинг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2009 йил 14 февраль.
6. Президент И. Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистан Республикаси Вазирлар маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси
Халқ сўзи, 2011 йил 20 февраль

7. Ўзбекистон Республикаси И.А.Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасидаги “Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича Ўқув-услубий мажмуа. – Тошкент: Иқтисодиёт. - 2011.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурини кучга киритиш тўғрисида. 2009 йил 26 январь, ПҚ-1046-сон.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. «Баркамол авлод йили» Давлат дастури тўғрисида. 2010 йил 27 январь, ПҚ-1271-сон.

10. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асарини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт, 2009. – 120 б.

11. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг тегишли йиллар бўйича статистик тўпламлари.

12. Ўзбекистон Республикасининг “Деҳқон хўжалиги тўғрисида”ги Қонуни. Ўзбекистоннинг янги қонунлари. – Т.: Адолат, 998.– 49 б.

13. Ўзбекистон Республикасининг “Ер кодекси”. Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришга оид қонун, ҳукумат қарорлари ва меъёрий ҳужжатлар тўплами – Т.: Ўқитувчи, 1998. – 5 б.

14. Ўзбекистон Республикасининг “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Қонуни. Фермер ва деҳқонлар ҳуқуқи алифбоси.– Т.: Меҳнат, 2003.– 36 б.

15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг “Қишлоқ хўжалиги корхоналарини фермер хўжаликларига айлантириш чора тадбирлари тўғрисида”ги Қарори. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлар тўплами, Расмий нашр. 2002, № 1. 67 б.

16. Абдуғаниев А., Абдуғаниев А.А. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти. – Т.: 2004, 304 б.

17. Ғаниев М. Фермер хўжаликларида меҳнат муносабатлари. Т.: . Жамият ва бошқарув №4. 2003.

18. Кулиев Т. Пахта толаси: экспортга таъсир этувчи омиллар. Т.: Жамият ва бошқарув. №1. 2003.

19. Кушакаев Б. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортида инвестициянинг аҳамияти. Т.: . Бозор, пул ва кредит. №5. 2004.

20. Қутлиқов М. Деҳқон (фермер) хўжаликларини ривожлантириш истиқболлари. Т.:Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. – 2003. №4. 50 б.

21.О. Олимжонов, Т. Фармонов, С. Сирожиддинов, М Косимов, И Рафиқов. Фермерлик фаолиятининг ҳуқуқий молиявий асослари – Т.: Уневирситет, 2005.

22. Ҳолиқов Б. Тупроқ унумдорлиги. – Тошкент: Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. 2004. № 1. – Б. 17–18.
23. Ҳусанов Р.Ҳ., Қосимов М. Деҳқон хўжалигини юритишнинг илмий ва амалий асослари. – Т.: 2000, 102 б.
24. Ҳусанов Р. Ислоҳотларнинг илмий асослари. – Т.: Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. 2003. №1. 17–18 б.
25. Ҳусаинов Ж. Фермер хўжаликларида ҳосилдорлик ва рентабеллик. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. 2002. № 3. 14 б.
26. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2000 – 2011 йиллар бўйича статистик маълумотлари.
27 Хоразм вилояти статистика бошқармасининг 2000 – 2011 йиллардаги маълумотлари.
28 Хазарасп туман статистика бўлимининг 2007 – 2011 йиллардаги маълумотлари